O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

УШБУ СОНДА:
НОЎРИН "ҲОТАМТОЙ"ЛИК 2
ИЖРО ЭТИЛГАН ТАҚДИМНОМА 3
АЛДАНИШ 3
Harry S. TRUMAN ЎЗ ДАВРИНИНГ ФАРЗАНДИ 4



**MEZON:**

**Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.**

**10-модда.**

**Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.**

**11-модда.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИДАН**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 33 (340)
2003 йил 19 август сешанба

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

# ЁШЛАРИМИЗНИ, КЕЛАЖАГИМИЗНИ КИПРИГИМИЗДА АСРАЙМИЗ

"Ёшим бир жойга етганида юзимни ерга қаратди, менинг бундай болам йўқ!

Берган сутимга рози эмасман!

*Уни йўлдан оздирганни илоё ер ютсин!"*

Бу дунёда ғамнинг, кулфатнинг хили кўп.

Ўйламай босилган қадам, ҳаётга енгил қараш, илмсизлик, тажрибасизлик...

Мана шунинг оқибатида инсоннинг умри хазон бўлади, не-не орзу-умидлар билан тарбиялаб вояга етказган ота-онасининг уйини куйдиради...

Биз бугун янги тарихимиз саҳифаларига назар ташласак, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка террорчилик тажовузи доимий равишда таҳдид солиб келганига, бу хавфу хатар зўр матонат, ақл-идрок ва машаққатли курашлар эвазига ўз вақтида бартараф этилганига иқрор бўламиз.

1999 йилнинг 16 февралида Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда содир этилган машъум портлашлар юрт тинчлигини, Ватан осойишталигини, оиласи, фарзандлари хотиржам яшаб ўқишини истаган ҳар бир инсон учун аччиқ сабоқ бўлди.

Қонли воқеалар оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди, 128 нафар ҳамюртимиз оғир жароҳат олди. Юракларда битмас-туганмас алам, ғазаб ва нафрат қолди.

Мана шу кулфатга қадар халқаро террорчилик бизга бегона, ҳаётимизга дахлсиз тушунча каби яшаб келган бўлса, февраль воқеаларидан сўнг у биз билан ёнма-ён яшаётган, ҳар биримизнинг тақдиримизга, келажагимизга бевосита таҳдид солиб турган мавжуд хавф-хатар, ҳаётни ваҳшийларча бузиб ташловчи балою офат, қабоҳат ва жаҳолат тимсолига айланди.

Бу қонли тажовуз нима учун содир этилди? Унинг ортида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсади нима?

Бу саволлар ҳар бир кишини жиддий ўйга толдиради.

Ўзбекистонни мўте ҳолда кўришни, уни танлаган йўлидан қайтаришни истаган, уйимизни бузиб ташламоқчи бўлган қора кучлар оз эмас эди.

"Азия и Африка сегодня" журнали 1997 йилнинг август сонида ёзишича, хорижий мамлакатлардаги турли хил бузғунчи оқимлар ҳатто етмишинчи йилларнинг ўрталарида минтақамизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилган. Кейинчалик чет эллик ваҳҳобийлар Намангандаги Ота Валихон масжидига уя қўйган ва ҳали дунёқараши шаклланмаган ёшларни йўлдан оздира бошлаган...

Ваҳҳобийлар даъватига кўр-кўрона эргашган ёки манфаат юзасидан уларга итоат этган бадният кимсалар кейинчалик Наманганда қандай қабоҳатлар содир этгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз раҳбари тўқсонинчи йилларнинг бошларидаёқ нотинч ва беқарор Афғонистондан, мана шу оловли минтақадан бутун ер юзига аср вабоси — терроризм балоси тарқалиш хатари борлигини, ҳозир бу хавф тинчлик ва тараққиётга ошкора таҳдид солаётганини қайта-қайта уқтирган, нуфузли анжуманларда башариятни ҳушёрликка даъват этган. 1993 йилнинг 4 мартида Президент Ислом Каримов ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида қўшни мамлакатларда содир этилаётган қиёмат-қирғинларга, терроризм ва наркобизнес билан боғлиқ ўткир ижтимоий муаммоларга барчанинг диққат-эътиборини қаратди. Президент Афғонистонда террорчилар тайёрланаётгани, улар жойларда қўпорувчилик олиб бориши, нотинчлик келтириб чиқаришига алоҳида урғу бериб, журналистларни *навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиришга* даъват этди.

Шу йили Швецариядаги **"Форум фонд"** халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида эса Ўзбекистон минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатишга қатъиян қарши туришини маълум қилди.

Халқимиз мана шу йўлда доимо собит туриб, диний ақидапарастлик, ашаддий фундаментализм ва халқаро терроризмга қарши қатъий курашиб келаётгани айни ҳақиқатдир.

> ***"Огоҳ бўлинг, одамлар!" — деган даъват ҳамиша бонг садосидек янграб туриши керак.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Шу билан бирга, ваҳҳобийлар ва бошқа ғаразли кучлар таъсирига тушиб қолган, ўз хатосини англаб етган ёшларга нисбатан доимо кечиримли муносабатда бўлинди, уларнинг ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишларига астойдил кўмак берилди.

Халқаро террорчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон сарҳадларида кўпдан-кўп нотинчликлар келтириб чиқарган, чет эллик геолог ва альпинистларни гаровга олиб, кўплаб бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган оғир дамларда, давлатимиз раҳбари адашган ва ўз айбига иқрор бўлган ёшларни ўз Ватанига, ота-онасининг бағрига қайтишга қайта-қайта даъват этди. Ҳали қонли тажовуз жароҳати битмай туриб, 2000 йилнинг 6 сентябрида *"Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқороларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"*ги Фармонга имзо чекди. Ва турли таъсирлар туфайли йўлдан озган, аммо қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан пушаймон бўлган ёшлар расман авф этилди.

**"Ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз**, — деб уқтиради Президент Ислом Каримов. — **Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир"**.

Давлатимиз раҳбарининг даъватлари ва мазкур ҳужжатлар халқимиз ғоят бағрикенг ва олийҳиммат эканини намойиш этиб қолмай, юзлаб, минглаб ёшларнинг тақдирида кескин бурилиш ясади, улар ўз хатоларидан тегишли хулоса чиқариб олишларига, ҳаётларини қайта ташкил этишларига имкон яратди.

Шу билан бирга, ўтган вақт ичида диний қадриятларни тиклаш борасида мисли кўрилмаган даражада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ватанимиз азал-азалдан мусулмон дунёсида катта обрў ва юксак мартабага эга бўлган. Бу муқаддас замин ислом динининг буюк намояндаларини етиштириб берган. Бухоро ва Самарқанднинг ислом дунёсидаги мавқеи Макка ва Мадинадан кам бўлмаган. Маърифат оламининг жавоҳири ҳисобланган бу мўътабар шаҳарлар минг йиллар давомида "рўйи замин сайқали", "ислом дини қуввати" деб улуғлаб келинган.











Ўзбекистон замини мўътабар ва муқаддас эканини, ислом динининг қувват олиши ва янада кенг ёйилишида иккинчи манба бўлганини мусулмон олами ҳамиша эътироф этгани тарихий ҳақиқатдир. Истиқлолдан сўнг Ватанимизнинг мана шу шуҳрати, мусулмон оламидаги азалий обрў-эътибори қайта тикланди.

Бу мўътабар замин "ҳадис илмидаги амир-ул мўминий" деган шарафга сазовор бўлган Имом Бухорийнинг, асарлари ҳозир ҳам диний университетларда қўлланма бўлиб келаётган Замаҳшарийнинг, ислом дунёсининг устунлари бўлмиш Абдухолиқ Ғиждувоний ва Имом Термизийнинг, Шайх Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанднинг, Имом Мотуруди й ва Бурҳониддин Марғинонийнинг Ватани, уларнинг хотирасини эъзозлаётган ва хоки покини кўзга суртаётган, тупроғида ҳикмат гуллаган мўътабар юрт сифатида яна довруқ қозонди.

Улуғ аждодларимизнинг хоки поки ётган жойлар обод зиёратгоҳларга айлантирилди, уларнинг ҳақи-ҳурмати муаззам обидалар барпо этилди, бир сўз билан айтганда, халқимиз ўз азиз фарзандлари шаънишарафини қўшқўллаб осмонга кўтарди.

Зеро, дунёдаги энг улуғ савоб — ўзинг баҳраманд бўлаётган неъматни қадрлаш, яхшилик ҳақини адо этишдир.

Бу нурли сиймолар тоабад эзгуликни, ҳидоят ва камолотни ёқлашган, уларнинг руҳий дунёсидаги теранлик, бепоёнлик, илмий хулосаларидаги маърифий туғаллик, самимият ҳар биримиз ўз бўй-бастимизни, кимлигимизни, аъмолу эътиқод ва интилишларимизни ўлчаб кўришга, баҳолашга тўла имкон беради.

Шунинг учун ҳам улуғ боболаримизни ер юзидаги барча даҳолардан устун қўямиз, айни пайтда башариятнинг тафаккур дунёсига мўътабар зиё бағишлаган бу нурли сиймоларга муносиб фарзанд, муносиб ворис бўлишни ҳам ҳеч вақт унутмаслик лозим. Зеро, бу — улар яратган улуғ мактаблар сабоғидан баҳрамандликни, уларнинг эзгулик таълимотини, тафаккур машъаласини янада баланд кўтаришни тақазо этади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1999 йили Тошкентда Ислом университети очилиши янги тарихимиздаги ёрқин саҳифалардан бирини ташкил этди.

Мазкур илм даргоҳи ислом дини, унинг тарихи ва фалсафаси, исломий таълимотнинг жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни ҳамда замонавий фанларни чуқур билган, диний бағрикенглик руҳида тарбия топган баркамол мутахассисларни етиштириш билан бирга, жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари тажрибаларини тадқиқ этади. Шунингдек, улуғ аждодларимизнинг бой диний ва илмий-назарий меросларини халққа етказиш, кенг жамоатчилик учун диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафасига оид оммабоп рисолалар яратиш ишига муносиб улуш қўшади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Dakki

# ШОШҚАЛОҚЛИК КАСРИ

Бозор иқтисоди шароитида қайсидир хўжалик юритувчи субъект эртанги кунни ўйлаб, тадбиркорлик билан фаолият юритса, табиийки, муваффақиятга эришади. Мулкдор сифатида ўз сармоясини тобора кўпайтириб бораверади. Эртанги кунни кўра олмай фаолият юритган хўжалик юритувчи объект эса рақобатга бардош беролмай синади, фаолияти тўхтаб қолади.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, таназзулга юз тутган хўжалик юритувчи субъект суд қарори ёки ўз таъсисчиларининг хоҳиши билангина тугатилиши мумкин. Фуқаролик Кодексининг 53-56-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги қарорида хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тартиб-қоидалари аниқ белгилаб қўйилган. Мабодо хўжалик юритувчи субъектларни тугатишга зарурат туғилса, ана шу тартиб-қоида, қонун талабларига риоя қилинади.

Бироқ айрим жойларда бу қонун талабига риоя этмаслик, ҳатто уни қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун айтадиган бўлсак, Жиззах шаҳар ва Фориш туман ҳокимликлари томонидан бу борадаги қонун ва қарор талаблари жиддий равишда бузилган. Аниқроқ айтганда, корхона таъсисчилари ёки суднинг тегишли қарори билан тугатиш комиссияси тузилмасдан ва тугатиш жараёни амалга оширилмасдан туриб, корхоналарни давлат реестридан чиқариш ҳолларига йўл қўйилган.

Жиззах шаҳар ҳокимининг ўтган йил 28 декабрдаги қарори билан бир йўла 57 та корхона тугатилган. Амалдаги тартибга кўра, аввало корхона тугатилаётгани ҳақида эълон газетада чоп этилиши, икки ойдан кейин эса тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Бироқ Жиззах шаҳри ҳокимияти мутасаддилари бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйишган. "Ҳуқуқ ва бурч" газетасида эълон беришгач, орадан ўн кун ўтиб-ўтмай корхоналар тугатилаётгани тўғрисида қарор чиқаришган. Яна денг, тугатиш жараёнида корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари бор-йўқлиги аниқланмаган. Муҳр ва тамғалар йўқ қилингани тўғрисида ҳужжатлар, оралиқ ва тугатиш баланслари тўлиқ олинмаган. Яна денг, корхона, муассаса ёхуд таъсис ҳужжатларида вакил қилинган идора қарори олинмасдан корхоналар тугатилган.

Фориш туманида эса бундан ҳам ажабланарли йўл тутилган. Гап шундаки, Фориш туман давлат солиқ идорасида ўтган йилнинг 29 августида банк томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосланиб, фаолият кўрсатаётган ўттиз тўққизта корхона тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритган.

Ўз навбатида ҳокимлик ҳузуридаги корхоналарни тугатиш комиссияси тақдимномани олгач, шошилинч равишда "чора" кўришади. Ана шундай шошма-шошарлик оқибатида корхоналардан йигирматасининг ишини ўринли, 39 тасининг фаолиятини ўринсиз, деган тўхтамга келади. Улардан "Сано" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ва "Ташаббус" кичик корхонаси фаолияти туман ҳокимининг ўтган йил октябр ойидаги тегишли қарори билан тугатилади.

Бироқ бу ҳар иккала хўжалик юритувчи субъектни тугатиш жараёни амалдаги қонун талабларига зид равишда амалга оширилади. Энг аввало, мазкур корхоналар тугатилаётганлиги тўғрисида матбуотда эълон беришни "унутиб" қўйишади. Корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари бор-йўқ эканини аниқлашни хаёлларига ҳам келтирмайди. Муҳр ва тамғалар йўқ қилинганлиги тўғрисида ҳужжат, оралиқ ва якуний тугатиш баланслари олинмайди. Ажабланарли томони шундаки, ҳокимликнинг шу ишга дахлдор масъулларининг эътиборсизлиги туфайли тугатилиши кўзда тутилган қолган ўн еттита корхона бўйича тугатиш жараёни ҳали-ҳанузга қадар тўлиқ амалга оширилмаган.

Албатта, бугун ўз фаолияти билан ишончни оқламайдиган, иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар тугатилиши табиий жараён. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Лекин ана шу жараён қонуний асосда амалга оширилиши керак.

Бу ҳол нимани англатади? Ишга совуққонлик билан қарашми ё масъулиятсизликми бу? Ўйлаймизки, бу ишга мутасаддилар мавжуд аҳволдан тегишли хулоса чиқариб олишади.

**Йўлдош ОЧИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

"O'zagrosug'urta" Давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви газетанинг шу йил 22 июлдаги 29-сонида чоп этилган "Суғурта: имконият ва ишонч тенгми?" сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Мақола компания Бошқаруви раҳбар ходимлари ва мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Компаниянинг барча дирекцияларига мақолада кўрсатилган камчиликларни атрофлича муҳокама қилиш ва уларга йўл қўймаслик чорасини кўриш юклатилди.

"O'zagrosug'urta" давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви раиси иштирокида компаниянинг Наманган вилоят дирекцияси ва туман бўлими раҳбар ходимлари билан кенгайтирилган мажлисда ҳам муҳокама этилди.

Адлия вазирлигининг масъул ходимлари томонидан компаниянинг Наманган вилоят дирекцияси суғурта бўлимларида ўтказилган текширишда аниқланган камчиликлар бартараф этилгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, вилоятда шу йил 14-19 апрел кунларида бўлиб ўтган табиий офатлар натижасида зарар кўрган Чуст туманида 70 нафар суғурталанувчига 976,4 минг сўм, Учқўрғон туманида 40 нафар суғурталанувчига 536,0 минг сўм, Норин туман бўлимида 53 нафар суғурталанувчига 1191,4 минг сўм, Уйчи туман бўлимида 72 нафар суғурталанувчига 1342,0 минг сўм, Поп туман бўлимида 145 нафар суғурталанувчига 2006,0 минг сўм, жами 6051,8 минг сўм ҳисобланган суғурта товонлари тўланди.

Шунингдек, мақолада номлари қайд этиб ўтилган туман бўлимлари бошқарувчи-менеджерларига йўл қўйган хато ва камчиликлари учун белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилди.

Келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бир қаторда Наманган вилоятида жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383 сон қарори асосида амалдаги тайёрлов корхоналари орқали аванс бериш тизими ўрнига фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хомашёси ва ғалла етиштириш бўйича харажатларни уларга тўғридан-тўғри кредит маблағлари ажратилмоқда. Компаниянинг Наманган вилояти дирекцияси вилоят тижорат банклари томонидан 3356 та фермер хўжаликларига 2139,2 миллион сўм кредит маблағларини тадбиркорлик қалтисликларидан суғурта ҳимоясига олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширмоқдалар.

**П. КАЗИЕВ,**
**"Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компанияси Бошқарув раиси**

Ajab savdolar

# ТУГАМАЁТГАН ТАНЛОВ

Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги қишлоқ хўжалик корхонаси қулай имкониятни бой берди. У санацияда ўзини оқлай олмади. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилинган **"Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига асосан корхона мулкчилик шаклини ўзгартириб фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди. Бу ҳақда вилоят ва туман ҳокимларининг қарорлари чиқди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи С.Носиров бошчилигида қишлоқ хўжалик корхонасининг фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси тузилди. Шундан сўнг ўтган йилнинг 15 мартида қишлоқ хўжалик корхонасида "тендер" танлови ўтказилади. Ғолиблар аниқланиб, комиссия томонидан баённома тузилади. Ўшандан буён орадан салкам бир ярим йил вақт ўтди. Аммо "тендер" танловидан кейинги машмашалар ортса ортадики, пасаймаяпти. Сабаби...

Хўжаликнинг 13-бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаб келган, шартномавий режаларнинг мунтазам бажарилишига эришган Нажмиддин Камолов 225 ва 260 контурлардаги 20 гектар ерга талабгор эди. 14-бригадада яшовчи фуқаро Холмурод Қудратов 233 ва 234 контурлардан 10 гектар ерни олиш учун танловда иштирок этиш мақсадида ариза берганди.

Тендер танловида Н.Камолов ва Х.Қудратовлардан омад юз ўгиради. Уларнинг ўзи бунга сабаб қилиб комиссиянинг адолатсизлик ва нохолислик қилган деб кўрсатишади. Ана шу ҳол фермер хўжалиги тузиш ниятидаги ҳар икки оила бошлиғи кўнглига айилдек оғир ботган.

Фуқаро Нажмиддин Камолов билан Холмурод Қудратов "тендер" танлови ўтказилишидаги ноҳақликдан норозилик билдириб, аввал туман ва вилоят ҳокимликларига, сўнгра вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишган.

Адлия бошқармаси мавжуд аҳволни ўрганиб чиқиб, "тендер" танловида бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилгани, одиллик ва холислик қилинмаганини аниқлайди. Шу боис 2002 йилнинг 25 майи ва 3 июнида Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов номига Мирзо Улуғбек номидаги қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия томонидан танловда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тақдимномалар киритади. Унга туман ҳокимиятида С.Носиров имзоси билан "айрим камчиликларга йўл қўйилгани тўғри"лиги тан олиниб ёзилган жавоб келади.

Вилоят адлия бошқармаси Хатирчи туман ҳокимининг Н.Камолов ва Х.Қудратовлар даъво қилаётган қарорларини бекор қилишни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритади. Бироқ вилоят хўжалик суди ҳар иккала даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Шундан сўнг адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига ҳал қилув қарори юзасидан апелляция шикояти берган. Масалан, судья Б.Ялғошевнинг 2002 йил 9 июлдаги ҳал қилув қарори юзасидан берилган апелляция шикоятида Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли қарори билан белгиланган "Комиссия Низоми"га кўра ваколати бўлмаса-да, комиссия кейинчалик икки ва уч марта жадваллар ишлаб чиқиб ерларни қайта тақсимлагани, талабгорларнинг аризалари, маълумот-жадвалларда ҳамда танлов баённомасида кўрсатилган контурлар бир-бирига тўғри келмаслиги асослантирилган. Шунингдек, танлов қатнашчиларига комиссия томонидан ҳужжатли асосга эга бўлмаган баллар қўйилгани, даъво аризада комиссиянинг ўзбошимчалиги, қалбакичилиги ва бошқа ноқонуний ҳаракатлари ёритиб берилган бўлса-да, биринчи босқич суди уларга эътибор бермагани қайд этилган. Бироқ вилоят хўжалик суди апелляция судлов ҳайъати адлия бошқармасининг юқоридаги даъво важларини чуқур ўрганмаган кўринади. Негаки, бу гал ҳам даъвони рад этиб, судья Б.Ялғошевнинг ҳал қилув қарорини кучида қолдиради.

— Суд мажлисларида мен даъвогар вакили сифатида қатнашганман, — дейди адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Ш.Тошев. — Суддан даъвони қаноатлантиришни сўраганман. Хўжалик суди даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Сўнгра Н.Камолов ва Х.Қудратовга фуқаролик тартибида фуқаролик судига мурожаат қилишлари мумкинлигини тушунтирдик.

**(Давоми иккинчи бетда)**

# НОЎРИН "ҲОТАМТОЙ"ЛИК

***Гапни хиёл узоқроқдан бошласак, 1993 йилнинг 2 июлида Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг вакиллар йиғилиши бўлиб ўтган. Йиғилишда бошқа масалалар қаторида хўжаликнинг 11,5 гектарлик мевали боғини Тоҳиржон Алиматовга шартнома асосида расмийлаштириш ҳамда боғдаги кампот тайёрлаш цехини хусусийлаштириб олиш масаласи ҳам кўрилган. Мазкур йиғилиш баёни асосида икки тарафлама ҳужжатлар тайёрланади. Ер бериш акти ва боғни ижарага бериш шартномасига жамоа хўжалиги бошқарув номидан бошқарув раиси Дилбархон Тўрабоева, иккинчи томондан фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Алиматов имзо чекади.***

Хуллас, шу тариқа жамоа хўжалигининг 204-контурдаги 11,5 гектар майдондаги боғни тасарруфини қилиш Тоҳиржон Алиматов зиммасига юклатилади. Икки тарафлама имзоланган шартнома шартларига асосан фермер "Тадбиркорбанк"дан ҳисоб рақамини очиши, сўнгра банкдан ссуда пули олиб, боғдаги консерва цехини сотиб олиши, 11,5 гектарлик мевали боғни парваришлаб, сифатли маҳсулот етиштириши, маҳсулотнинг 50 фоизини давлатга топшириши, қолган 50 фоизини эса хусусий консерва цехида қайта ишлаб, компот тайёрлаб, келишилган нархларда сотиш мажбуриятини олган. Уйчи туман ҳокимининг 1993 йил 5 октябрдаги 212/10-сонли қарори билан "Равшанбек" фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилади ва юридик шахс мақомини олади. Бироқ фермер Т.Алиматов жамоа хўжалиги билан тузилган ижара шартномаси ва ерни ижарага бериш актида белгиланган мажбуриятларни бажармайди. Мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймайди. Балки орадан икки йил ўтказиб, 1995 йилнинг 18 сентябрида Наманган вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси орқали боғ учун муваққат давлат ордери олишга эришади. Ваҳоланки, ушбу давлат ордерини берилишига асос қилиб олинган (ҳақиқатда ҳам асос бўлган) Й.Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг 1993 йил 2 июлидаги 3-сонли қарорининг 2-бандида (311.514 сўмга баланс қийматида бўлган) боғдаги компот тайёрлаш цехини хусусийлаштириб берилишига рухсат берилган, холос.

1998 йилнинг 25 сентябрида Уйчи туман ҳокимининг 09/531-сонли қарори билан боғдорчиликка ихтисослаштирилган "Равшанбек" фермер хўжалиги давлат рўйхатидан қайта ўтади ва ўзининг янги Низомини ҳам тасдиқлатиб олади. Шунингдек, ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси ҳам туман ҳокимининг 1998 йил 17 сентябрдаги 09/324-сонли қарорига асосан қайта давлат рўйхатига олинган. Ушбу муддатдан бошлаб "Равшанбек" фермер хўжалиги ташкил этилган, деб ҳисобланади. Шундай бўлса-да, "Равшанбек" фермер хўжалиги раиси Тоҳиржон Алиматов зиммасидаги шартнома мажбуриятларига амал қилмаслик давом этаверади. Жумладан, ерни ижарага бериш актида ерга қурилиш ишларини бажармаслик белгиланганлигига қарамай, ўзбошимчалик билан ижарага берилган боғнинг 0,04 гектар ерига уй қурган. Ваҳоланки, "Равшанбек" фермер хўжалиги Низомининг 6-боби 22-банди, **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 12-моддаси 2-банди Ер кодексининг 53-моддасида фермер хўжалигига берилган ер участкаларининг хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас, деб қайд этилган. Аммо фермер хўжалигининг раҳбари бу қонун-қоидаларга умуман риоя этмаган. Аксинча, у фуқаро Шерхон Мамадалиевга ижарадаги боғ еридан 0,10 гектар ер майдонини 1998 йилнинг 11 феврал куни юз минг сўмга сотиб юборади. Кейинчалик фуқаро Нормирза Абдуқодировга ҳам 2 бош қўй эвазига боғ ҳисобидан 0,03 гектар ер майдони "ажратилади". Уларнинг ҳамқишлоғи Мадамин Осмонов ҳам фермер Тоҳиржон Алиматов мурувватидан қуруқ қолмайди. У ҳам ижарага берилган боғ еридан 0,05 гектар ер майдонини сотиб олишга эришади ва уни ўз ҳовлисига қўшиб олади.

Шу тариқа "Равшанбек" фермер хўжалигининг бошлиғи Тоҳиржон Алиматов бундай ўзига хос иш юритиш услубини жадал давом эттиради. У ўз ижарасидаги боғдан ғалла экиш учун фуқаролар Иброҳим Ҳусановга 1 гектар, Шавкат Нуриддиновга 0,25 гектар, Обиджон Қипчоқовга 0,5 гектар, Муҳаммад Холмирзаевга 1 гектар, Шермуҳаммад Норматовга 1 гектар, Нурматжон Муҳидиновга 0,35 гектар ер майдонларини ҳотамтойларча "тақсимлайди". Фуқаро Ибодат Абдураҳмоновага эса ловия экиш учун 1 гектар ерни "инъом" этади. Шунингдек, Ғафуржон Алиматовга карам экиб олиш учун 1,4 га ер майдонини ажратиб беради.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўп, фермер хўжалигининг раҳбари шу даражада қуюшқондан чиққан экан, унинг "мушугини пишт" дейдиган одам топилмадими? Афсуски, лоқайдлик, бепарволик нафси ҳакалак отган фермерни янада ҳаволатган. Ниҳоят, шу йилнинг 2 июн куни Уйчи туман прокуратураси туман ҳокимлигига "Равшанбек" фермер хўжалиги томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома юборган. Ушбу тақдимномада шундай жумлаларни ўқиш мумкин: **"Фермер хўжалиги бошлиғи Т.Алиматовнинг фермер хўжалиги ерларини иккиламчи ижарага бергани, сотгани ҳолатлари қонун талабларини қўпол равишда бузиш сифатида баҳоланиши, ушбу фермер хўжалигининг ер участкага эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиб, фермер хўжалигини тугатиш масаласини кўриб чиқиш лозим"**.

Чиндан ҳам, "Равшанбек" фермер хўжалигининг фаолиятида жиддий қонунбузиш ҳолатлари мавжуд. Чунки фермер Т.Алиматов ўзига ижарага берилган ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланмаган. Ер участкасини асрамаган. Ундан оқилона фойдаланмай, фуқароларга ижара берган ва ўзбошимчалик билан ерларни сотиб юборган. Натижада фермер хўжалигини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қўпол равишда бузилган. Шунингдек, Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви "Равшанбек" фермер хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан етарли назоратни амалга оширмаган. Яъни, ердан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрмаган.

Шуларга асосан, вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига даъво аризасини киритди. Аризада қайд этилишича, "Равшанбек" фермер хўжалиги билан ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши, ижарага берилган 11,5 гектар боғ ширкат хўжалиги тасарруфига қайтарилиши, фермернинг ер участкасига эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қилиниши ҳамда мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 4564-сонли муваққат давлат ордерини ҳақиқий эмас, деб топилиши зарур.

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимизда тадбиркорлик билан бир қаторда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилиб, уларга кенг йўл очиб берилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида "Равшанбек" фермер хўжалигига ўхшаганлари ҳам йўқ эмас. Албатта, бу ҳол қонун талабларига мутлақо тўғри келмайди. Шу боис у тезда бартараф этилиши шубҳасиз.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Attang

---

Qonun ko`magi

# ИЖРО ЭТИЛГАН ТАҚДИМНОМА

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ўтган йил тўртинчи чорак режасига асосан Зомин туманидаги "Ниҳол", "Озод", "Жарқишлоқ" фермер хўжаликларида ер қонунчилиги ижроси юзасидан ялпи текшириш ўтказилиши керак эди. Шу сабабли вилоят Ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Қ.Хожиевнинг 68-сонли буйруғи билан Ер ресурслари хизмати туман бўлими бошлиғи Абдурашид Турдиев ўтган йилнинг 23 октябр куни "Ниҳол" фермер хўжалиги далаларида бўлиб, текшириш ўтказади ва бу ҳақда далолатнома тузади. Бироқ у фермер хўжалиги раҳбари Сайдулло Шойбековни далолатнома билан таништириши ва унга имзо қўйдиришни «ёдидан чиқаради». Ҳолбуки, у С.Шойбековни ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этганликда айблаб, баённома тузган эди. Устига устак, С.Шойбековга «Маъмурий Жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекс талабига асосан 4535 сўм жарима солингани тўғрисида қарор чиқаради ва у билан ҳам С.Шойбековни таништирмайди. Аслида А.Турдиевнинг бундай фаолияти процессуал хатолик ҳисобланади. Чунки у С.Шойбековни «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 68-моддаси 4-банди билан ҳуқуқбузарликда айблаган. Агар мазкур модда мазмуни билан танишсак, А.Турдиевнинг уни нотўғри талқин этгани маълум бўлди. Ваҳоланки, Кодекснинг хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш моддаси икки банддан иборат. А.Турдиевнинг тўртинчи бандни қаердан «кашф этгани» эса номаълум.

"Озод" фермер хўжалиги раиси Усмон Халиловнинг ҳуқуқларини ҳам А.Турдиев чеклаб қўйган. Аниқроғи, унга ҳам "ихтиро этилган" 4-банд асосида 9070 сўмлик жарима солинган. "Жарқишлоқ" фермер хўжалиги раиси Абдуқодир Маматкаримовга эса далолатнома, баённома, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорга имзо қўйдирмасдан, МЖТКнинг моддасини ҳам кўрсатмай 4530 сўм жарима қўллаган. Ер ресурслари хизмати Зомин туман бўлими фаолиятидаги камчиликлар бу билан тугамайди. Мисол учун яна айтадиган бўлсак, ўтган йилнинг иккинчи ва шу йилнинг биринчи ярим йилида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган ариза ва хатларни қайд қилиш китоби умуман юритилмаган. Натижада бўлимга келиб тушган 431 та ариза рўйхатга олинмаган. Бу билан тадбиркорларнинг ўз аризалари ижроси юзасидан юқори турувчи идора ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи поймол этилган.

Бундан ташқари, ҳар бир фермер хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи — давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги гувоҳнома Ер ресурслари хизмати туман бўлими томонидан берилиши керак. Ер Кодексининг 35-моддаси, **"Давлат ер кадастри тўғрисида"**ги Қонуннинг 13-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларида бу талаб аниқ-равшан ўз аксини топган.

Бироқ мазкур бўлим фаолияти талаб даражасида юритилмаётгани оқибатида фермер хўжаликлари ер участасига тўлиқ эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Шу йилнинг 1 июл ҳолатига кўра туманда 1230 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг атиги 431 тасидагина ер участкасига эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар бор, холос.

Шунингдек, Ер ресурслари хизмати туман бўлимида фермер хўжаликлари билан ширкат хўжаликлари ўртасида тузиладиган узоқ муддатли ер ижара шартномалари мавжуд эмас. Масалан, туман ҳокимининг 2001 йил 22 сентябрида 624-К рақамли қарори билан ташкил этилган "Аҳмад ота" фермер хўжалиги билан "Ғалаба" ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ер ижара шартномаси бўлимда йўқ. Бундай ҳолат 200 та фермер хўжалиги ташкил этилишида ҳам такрорланган. Умуман олганда, бўлим фаолиятида ўзибўларчилик ҳолати ҳукм сурмоқда.

Шу боис Жиззах вилояти адлия бошқармаси вилоят Ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Қ.Ҳожиев номига бошқарманинг Зомин тумани бўлими фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди.

Тақдимнома вилоят ер ресурслари бошқармаси томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва фермер хўжалиги раҳбарлари С.Шойбеков, У.Халилов, А.Мамакаримовларга нисбатан қўлланилган маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлар ноқонунийлиги сабабли бекор қилинди. Ер ресурслари хизмати туман бўлими бошлиғи А.Турдиевга эса "ҳайфсан" интизомий жазо тури берилиб, хизмат лавозимидан пасайтирилди. Мазкур воқеа бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Чунки ўз вазифасига лоқайд ва масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳеч қачон яхши натижа олиб келмаслиги аниқ.

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Эъзоз топаётган обида*

---

Ajab savdolar

# ТУГАМАЁТГАН ТАНЛОВ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Нажмиддин Камолов билан Холмурод Қудратовлар фуқаролик ишлари бўйича Навоий туманлараро судига даъво ариза ёзишди. Суд шу йилнинг 8 январ куни Х.Қудратовнинг Хатирчи тумани қайта ташкил этилаётган Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича танлов комиссиясига нисбатан танлов комиссияси баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантириш, танлов комиссиясининг 2002 йил 15 мартдаги 230, 232, 233, 233 "а", 234, 241, 242-контурларда ўтказилган танлов баённомасини ҳақиқий эмас, деб топилиши тўғрисида қарор чиқаради.

Суднинг мазкур қарорига жавобгар қайта ташкил этиш комиссияси раиси С.Носиров вилоят судига кассация тартибида протест келтиради. Шу йилнинг 1 май куни кассация судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида бу иш кўриб чиқилган. Кассация судлов ҳайъати биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, кассация шикояти ва кассация протестини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида ажрим қилади. Таажжуб, хўжалик суди даъвони рад этиб ҳал қилув қарори чиқарганди. Биринчи ва иккинчи босқич фуқаролик судлари Х.Қудратовнинг даъвосини қаноатлантиряпти. Қай бирига ишониш керак? Қонун биру нега қарор икки хил?

Аниқ жавобни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан "Қайта ташкил этилаётган хўжаликларда танлов ўтказиш ва даъвогарларни аниқлаш тартиби бўйича услубий тавсия"дан қидирган маъқул. Тавсияга мувофиқ танлов икки босқичда ўтказилиши керак. Агар битта контурга беш-олти кишидан ортиқ талабгор бўлмаса ва ҳаммаси кейинги босқичга ўтказилиши тавсия қилинган. Иккинчи босқичда очиқ "тендер" ўтказилади. Комиссия аъзолари ушбу босқичга ўтган ҳар бир даъвогар имкониятларини иккинчи босқичга ўтган ҳар бир даъвогарлар сонига мос баллик тизим бўйича баҳолаши керак. Иккинчи босқичдаги танловда танлов комиссияси аъзоларининг даъвогарлар сонига мос баллик система бўйича қўйган баллари йиғиндиси биринчи босқичда тўплаган балларга қўшилади. Икки босқич якуни бўйича энг кўп балл тўплаган даъвогар танлов ғолиби деб эълон қилинади.

Суд танлов бир босқичда ўтказилиш билан чекланилган ва унда танлов қатнашчилари Н.Абдураҳмонов ғолиб деб топилган деган тўхтамга келган. Бундан ташқари, суд танлов комиссияси томонидан даъвогарларнинг мавжуд имкониятлари ҳисобга олинмаган ва улардан тегишли ҳужжатлар ҳам талаб қилинмаган деган хулоса чиқарган. Негаки, низоли контурда ўтказилган танловда фуқаро Х.Қудратовга енгил автомашина борлиги техник паспорт билан тасдиқланса-да, унга тегишли балл қўйилмаган. Танлов иштирокчиларининг маблағлари борлиги текширилмасдан уларнинг барчасига бир хил балл қўйилиши ҳам тўғри эмас. Фуқаролик суди юқоридагиларга асосланиб Х.Қудратовнинг даъвосини қаноатлантирди.

Энди танловнинг бошқа иштирокчиси даъвогар Нажмиддин Камоловнинг аризасига қайтамиз.

Н.Камоловнинг фуқаролик ишлари бўйича Навоий туманлараро судига қилган даъвоси суднинг ҳал қилув қарори билан рад этилади. Шундан сўнг у фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига апелляция шикояти ёзади. Шу йилнинг 6 май куни апелляция судлов ҳайъати ишни кўриб чиқиб, ажрим қилади. Ажримда шундай дейилган: **"Фуқаролик ишида Н.Камоловнинг танлов комиссиясига ёзган 4.03. 2002 йилги аризаси бўлиб, Мирзо Улуғбек номидаги хўжалик 13-бригадаси даласида жойлашган 260-225 контурлардан ер ажратишни сўраган. Хатирчи тумани "Назар бобо" фермер хўжалиги раиси М.Назарова ҳам 11.02. 2002 йилда танлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, 225, 257, 260 ва 238-контурлардан фермер хўжалигига қўшимча ер ажратишни сўраган. Лекин 24.03. 2002 йилда яна шу комиссияга яна ариза билан мурожаат этиб, 238-контурдан берилган 11,2 гектар ерни тендердан берилмаган деб ҳисоблашни ва 260-контурдан 20 гектар ер ажратиш бўйича танловда қатнашишга рухсат этишни сўраган, яна бир аризаси 1.04.2002 йилда имзоланган. Ваҳоланки, танлов комиссиясининг баённомаси 15.03.2002 йилда тузилган ва комиссия аъзолари томонидан имзоланган. М.Назарованинг танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризалари баённома имзолангандан сўнг қабул қилинган бўлса-да, у танлов ғолиби деб топилган»**.

Хулоса чиқаришга шошилмай, ажрим мазмуни билан танишишда давом этсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли қарори 5-иловаси 3.3-бандида танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишдан ўн кун олдин тўхтатилиши кераклиги, 3.4-бандида эса танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш икки босқичдан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Аммо тартибга зид равишда танлов бир босқичда ўтказилган, деган хулосага келган.

– Танловнинг мақсади, — дейилади суд ажримида, — мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча ер ажратиш эмас, балки фуқароларга танлов асосида ер бериш билан фермер хўжаликлари ташкил этишдан иборат бўлишига танлов комиссияси томонидан етарли эътибор берилмаган.

Апелляция судлов ҳайъати Н.Камоловнинг даъвосини қаноатлантириш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқариб танлов комиссиясининг М.Назаровани ер олиш бўйича танловда ғолиб деб топилгани тўғрисидаги 2002 йил 15 мартдаги баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ажрим қилади.

Вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига Н.Камолов, Х.Қудратовларнинг иши юзасидан киритган даъво аризаларида фуқаролик суди ажримида асослантирилган юқоридаги қонунбузилиш, нохолислик, адолатсизликлардан уларни хабардор этганди. У ҳолда хўжалик судининг қарори тўғрими ёки фуқаролик судиники?

Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судидан Хатирчи тумани суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси О.Холиқов номига Н.Камолов ва Х.Қудратовлар даъвоси бўйича чиқарилган ажрим ижро қилиш учун юборилади. Кўп ўтмай уларнинг қўлларига "Ижро варақаси ижроси фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг хатига асосан тўхтатилган" деган маълумотнома берилади.

Биз ушбу масалага ойдинлик киритишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Т.Қўшатов ҳузурида бўлдик.

— Хўжалик судида бу ишлар аввал кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган экан, — дейди раис. — Хўжалик суди ҳал қилув қарорлари кучида турибди. Агар улар бекор қилинса, бу ижрони таъминлашимиз мумкин. Акс ҳолда бир-бирига қарама-қарши икки суд ҳужжати ижросини таъминлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун биз ижрони вақтинча тўхтатдик. Бундан ташқари, С.Носиров вилоят суди ажримлари устидан бизга назорат тартибида шикоят берган. Уни бир ой ичида кўриб чиқамиз.

Қисқаси, хўжалик судининг ҳал қилув қарори танлов комиссияси аъзоларига, жумладан, С.Носировга маъқул. Фуқаролик суди қабул қилган суд ҳужжатлари эса Н.Камолов билан Х.Қудратовга керак. Тендер танловидан кейинги суд ҳужжатларини танлаш танлови машмашаси эса бу яқинда тугайдиганга ўхшамайди. Ўртада Н.Камолов билан Х.Қудратов мурожаатларига тегишли жавоб ололмай сарсон.

Хулоса ўрнида айтсак, судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг буниси тўғри, буниси нотўғри, деган фикрдан йироқмиз. Бироқ бир гапни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз: суд ҳужжатлари қонунга мос бўлиши зарур. Шу боис мутасаддилар бундай чалкашликларга тезда якун ясашса, ажаб эмас.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

Saboq

# ҲАҚИНИ ТАНИГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

***Марҳамат туманидаги Умурзоқ Қорабоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Она замин" фермер хўжалиги билан "Маданият" кооперативи ўртасида маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича низо келиб чиқди. Аниқроғи, ўртада шартнома тузилган бўлса-да, кооператив олган махсулотига пул тўлашни пайсалга солди. Шунинг учун фермер хўжалиги бошлиғи Муроджон Мамаюсупов вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди.***

— "Маданият" кооперативи билан ўртада тузилган шартномага биноан, пахта ва дон маҳсулотини етказиб бердик ва кооператив орқали давлатга сотдик, — дейди фермер Муроджон Мамаюсупов. — Бироқ топширган пахта ва дон ҳосилимиз учун кооператив ўз вақтида ҳақ тўламади. Аксинча, мени роса овораи-сарсон қилиб, зўрға 1 миллион 360 минг сўм ҳақ тўлади. Қолган ҳақимизни эса насия қилди. Бу эса фермер хўжалигимизга моддий ва маънавий зарар етказди. Бунинг устига солиқдан ҳам қарздор бўлиб қолдик.

Бу ҳақда "Марҳамат" кооперативи раиси Абдуқодир Абдураҳмоновнинг фикри сал бошқачароқ. Унинг айтишича, фермер хўжалиги шартнома шартларини тўлиқ бажарган. Лекин кооперативнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмагани учун маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида ўтказиб берилмаган. Пул тушган заҳоти қарз тўланади.

Мазкур ҳолат қонунчиликда қуйидагича ҳал этилган: Фуқаролик Кодексининг 985-моддаси талабига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қолаверса, мазкур Кодекснинг 1021-моддасида таъкидланишича, маънавий зарар унинг етказувчисининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади.

Ана шу қонун талаблари асосида ушбу низо фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судида кўриб чиқилганда кўп нарсага аниқлик киритилди ва адолатли қарор қабул қилинди. Аниқроғи, 531.696 сўмлик моддий зарарни ундириш рад этилди. Чунки жавобгарнинг ҳаракатларида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлиб, ҳисоб рақамида ҳеч қандай маблағ мавжуд эмаслиги суд мажлисида ўз исботини топди. Бундан ташқари, даъвогар ўз ҳуқуқлари бузилганини билган кундан бошлаб судга мурожаат этганда ҳеч қандай моддий зарар келиб чиқмаслиги мумкин эди.

Хуллас, суд қарори билан "Маданият" кооперативидан "Она замин" фермер хўжалиги фойдасига 128.634 сўм асосий қарз, 19.225 сўмлик жарима, 514 сўмлик устама – жами 148.443 сўм ундириб бериладиган бўлди. Шунингдек, кооператив раиси Абдуқодир Абдураҳмоновдан фермер хўжалиги раиси Муроджон Мамаюсупов фойдасига юз минг сўмлик маънавий зарар ҳам ундирилади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қонун устувор экан, ҳеч қачон бировнинг ҳақини биров еб кетолмайди. Энг муҳими, ҳақини таниган ютқазмайди.

**Маҳмуджон ҚАҲРАМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

Burdsizlik

# ХАТОЛАР ЗАНЖИРИ

***Маълумки, пахта етиштирувчи ширкатлар, фермер хўжаликлари ва пудратчилар учун бир қатор имтиёзлар мавжуд. Агар пахта сотиш режасини бажарилса, ҳосилни қайта ишлаш корхонаси қайтариб берадиган чигитни ёғ заводига топшириш ва бунинг эвазига ундан ёғ, шелуха, кунжара ҳамда совун каби маҳсулотларни олиш мумкин. Агар ана шу маҳсулотлар бозорда сотилса, харид нархи билан бозор нархи ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади.***

Сайхунобод туманидаги "Паймард" фермер хўжалигидагилар ҳам шундай ўйлашган бўлса керак. Лекин «сен қиламан дейсан ўттиз, худо қилади тўққиз», деганларидек, аввалги ҳисоб-китоб бошқа-ю, кейингиси бошқача чиқиб ҳам қоларкан. Буни ҳаёт яна исботлади.

Фермер хўжалиги билан "Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага кўра, ҳосил қайта ишлангач, жамият 37 тонна чигитни ўз омборидан "Гулистон экстракт ёғ" ҳиссадорлик жамиятига етказиб бериши лозим эди. Лекин чигит етказиб беришнинг ҳам ўз муддати бор. Масалан, 2001 йил ҳосилидан олинган чигит ёғ заводига 2002 йил августигача етказиб берилиши шарт. Кейингиси кузда бўлса, 2002 йил ҳосили ҳисобига ўтиб кетади. Аммо "Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти шартноманинг 11,2 бандига амал қилмасдан, 2002 йилнинг июль ойида жами 37 тонна ўрнига 29,5 тонна чигит етказиб берди. Натижада етказиб берилмаган 7,5 тонна чигитдан олинадиган маҳсулотларни фермер хўжалиги "қайта ишловчи"дан ололмади.

Фермер «қолган чигитниям бер», деб "Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятига бораверди. Охири жамият 17 октябрда "қайта ишловчи"га 7,5 тонна чигитни шу фермер ҳисобидан ўтказиб берди. Бу кун қанчалик аниқлигини худо билади. Ҳар ҳолда жамият ҳуқуқшуноси М.Абдураҳмоновнинг айтишича, шундай. Лекин "қайта ишловчи", яъни ёғ заводидан берилган маълумотга қараганда, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг 2002 йил 16 декабрда юборган хати ижро учун қабул қилинмаган, чунки 2001 йил ҳосили чигитини қабул қилиш июл ойидаёқ тугатилган эди, энди қолгани 2002 йил ҳосили ҳисобига ўтиб кетаркан. Демак, жамият ҳуқуқшуноси даъво қилганидек бўлса ҳам, чигитнинг октябр ёки декабр ойида юборилишининг фарқи йўқ, июл ойидан кейинги сана ҳар қанча ўзгаргани билан ёғ заводининг қарори ўз кучида қолаверади. Бунинг маъносини "ғишт қолипдан кўчгач, қайта қолиплаб бўлмайди", деб тушуниш керак.

Даъвогар-фермер чигит ўз вақтида етказиб берилмагани учун жавобгардан 72325 сўм устама ва 554752 сўм бой берилган фойдани ундириб берилишини сўради. Дарҳақиқат, "Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти, "Паймард" фермер хўжалиги ва "Гулистон экстракт ёғ" ҳиссадорлик жамияти ўрталарида тузилган уч томонлама 1068-сонли шартномага мувофиқ, пахта тозалаш ҲЖ 2001 йил ҳосилидан олинган 37 тонна чигитни ўз омборидан "қайта ишловчи"га бериши шарт эди. "Қайта ишловчи" 2002 йил давомида чигитни қайта ишлаб, ундан олинган 9,2 фоиз, яъни 3404 тонна пахта ёғи, 40 фоиз, яъни 14,8 тонна шрот, 35 фоиз, яъни 12,9 тонна шелухани ўз омборидан қайтариб бериш мажбуриятини олди. Нега деганда, шартномада чигит 2002 йил июл ойи охиригача етказиб берилиши шарт деб кўрсатилган.

Шартномада яна хўжалик "Қайтариладиган маҳсулотларни маблағи, транспорт йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра ололмаса, 1 январ 2002 йилдан маҳсулот берилмайди ва "қайта ишловчи" ихтиёрига ўтади" деб ҳам ёзилган. Шартномага кўра, бирор-бир томон унинг шартларини бажармаса, жавобгар 0,5 фоиз миқдорида устама тўлаши, бироқ устама миқдори топширилмаган чигит миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги кўрсатилган. Шу боисдан ҳам, даъвогарнинг устама ундириш ҳақидаги талаби тўғри, деб топилди. Бироқ олинмаган фойдадан фермернинг айби борлигини, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини ўзи ҳам таъминламаганлиги учун бой берилган фойда миқдори камайтирилди. Жавобгардан 166425 сўм ундириладиган бўлди.

"Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятининг масъулиятсизлиги биргина "Паймард" фермер хўжалиги билан чегараланмаган. "Ҳамза" фермер хўжалиги ҳам худди юқоридагидек ҳолатга тушди. Жамият бу фермер хўжалигига ҳам 2001 йил ҳосилидан 46,2 тонна ўрнига 37 тонна чигит етказиб берган. Қолган 9,2 тоннасини 2002 йил октябр ойида берган. Бироқ вақт ўтган эди...

"Ҳамза" фермер хўжалиги фойдасига жавобгардан 88780 сўм устама ва 204 минг сўм бой берилган фойда ундириб олинади. Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам даъвогар шартнома шартини тўлиқ бажармагани писанда қилиб ўтилди. Яъни фермер қолган чигитни бериш ҳақида ёзма равишда мурожаат этмаган ва транспорт ажратмаган. Демак, фермерлар шундай ҳолга тушиб қолишлари мумкинлигини ҳам аввалдан ўйлаши шарт.

Бундан яна бир хулоса келиб чиқиши табиий. "Сайхунобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти 2001 йилга етмаган чигитни-ку 2002 йил ҳисобидан бериб қутулмоқчи бўлибди, лекин яхши биламизки, ортиқча чигит кўчада ётмайди. Демак, 2002 йилги чигит яна кам чиқиши аён. Энди унинг ўрнини 2003 йил ҳосилидан тўлдириш керак бўлади. Бу занжир қачон узилар экан? Мана шунисига ажабланасан киши. Ёки фермернинг олинмаган ёғи ва еми ёғ заводида қолиб кетиши мажбурий давом этармикан?!

**Ўткирбек АБДУРАҲМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган ўзгаришларнинг энг муҳими ярашув институтининг тикланиши бўлди десак, асло хато эмас. Чунки шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мамлакат бўйича 13520 нафар киши ярашув туфайли жиноий жавобгарликдан озод этилган.***

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муайян жиноятларни содир этишда гумон қилинган шахс, айбланувчи ва судланувчининг иш бўйича жабрланувчи билан ярашуви тергов-суд амалиётида доимо ижобий баҳоланган. Аммо бу борада қонунчиликда бир хил муносабат бўлмаган. Узоқ йиллар жиноят-процессуал қонунчиликда амалда бўлган хусусий айблов деб номланган бир қанча жиноят ишлари фақат жабрланувчи ва унинг қонуний вакиллари шикоят аризаси берган тақдирда қўзғатилган ҳамда улар ўз аризаларидан воз кечганларида тугатилган. Бундай жиноят ишлари бўйича айбланувчи ва судланувчининг қисмати батамом жабрланувчининг фикрига боғлиқ эди. Албатта, жабрланувчи жиноят ишини қўзғатиш-қўзғатмаслик ёхуд тугатиш-тугатмаслик масаласини ҳал этишда асосан ўз рақибининг феълатвори, узр сўраши, етказган зарарни тўлаши каби ҳолатларни инобатга олган. Лекин айбланувчи жабрланувчи билан ярашмаган, ҳатто унга эълон қилинган айбга иқрор бўлмаган ҳолларда ҳам жабрланувчи айбловдан воз кечишга ҳақли эди.

Жаҳон суд амалиётида ҳам ярашув ва айбга иқрорликка оид турли-туман тартиблар мавжуд. Жумладан, ярашув воситасида жиноий жавобгарликдан халос бўлиш ёки енгил жазо берилишига эришиш АҚШда кенг қўлланилади.

Мазкур мамлакатнинг баъзи штатларда судланувчи ўз ҳимоячисининг иштирокида давлат айбловчиси (атторней) билан тузган айбга иқрор бўлиш битими асосида 94 фоизгача жиноят ишларини судлар мазмунан кўрмасдан жазо тайинлаш масаласини ҳал этади. Бундай тартиб бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд. Бир қанча мамлакатларда ўз айбига сидқидилдан пушаймон бўлиш ҳолларида жабрланувчининг розилиги билан жиноят иши қўзғатилмайди, шахсга фақат ўз қилмишининг оқибатларига барҳам бериш ва муайян муҳлат давомида намунали хулқ-атворда бўлиш мажбурияти юкланади, холос.

Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 314-моддасига биноан эълон қилинган айблов билан рози бўлган айбланувчи суд муҳокамасини ўтказмай ҳукм чиқарилишини илтимос қилишга ҳақли. Суднинг бундай илтимосни қаноатлантириши бир қанча шартларга боғлиқ:

— шахс беш йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса;

— давлат айбловчиси ва хусусий айблов ишини қўзғатиш ҳақида судга ариза берган шахс ҳамда жабрланувчи (ёки унинг қонуний вакили) розилик берса;

— айбланувчи ўз илтимосининг мазмуни ва оқибатларига тушунаётгани суд томонидан тўлиқ ишонарли деб топилса;

— илтимосни айбланувчи ўз ихтиёри билан ҳамда ҳимоячининг маслаҳатига кўра ва унинг иштирокида бераётган бўлса.

Суд муҳокамасини ўтказмай ҳукм чиқариш ҳақида илтимосни айбланувчи иш материаллари билан танишаётганда терговчига ёки ишни кўриш учун тайинлаш пайтида судга бериши лозим. Агар ана шу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, суд жиноят ишини умумий тартибда кўриб ҳал этади. Бу хилдаги ишлар бўйича яна бир ўзига хослик шундан иборатки, чиқарилган ҳукм устидан у тўпланган далиллар билан исботланмаган, суд баъзи ҳолатларни эътиборга олмаган, далиллар ва суднинг хулосалари ўзаро бир-бирига зид деган важлар билан, яъни фактга оид масалалар бўйича кассация ёхуд апелляция тартибида шикоят берилиши мумкин эмас. Бу тоифа ишлар бўйича ҳукм жиноят қонуни ёки жиноят процессуал қонунини бузиб, адолатсиз чиқарилган бўлсагина бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши мумкин.

Ярашув институти бўйича қонун меъёрлари ва уларнинг амалиётини ўзимизда илгаридан мавжуд бўлган ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси билан солиштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Қувонарлиси шундаки, ҳозир бундай илмий изланишлар кўпайиб бормоқда. Жумладан юридик фанлари доктори, кўп йиллик амалиётчи судья Мавжуда Ражабованинг ярашув тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган "Ярашув институти: такомил ва самара" мақоласи шундай изланишлар сирасига киради. Мазкур мақолада мавзуга оид қонун меъёрларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор эътиборга молик таклифлар илгари сурилган.

Айтиб ўтиш жоизки, ярашув тўғрисида ишларни кўриш ва ҳал этиш тартибига оид бир қанча муаммолар борлиги Олий суди пленумида қайд этилган эди. Уларнинг баъзилари пленумнинг 2002 йил 25 октябрда қабул қилинган қарорида ҳам ўз ифодасини топди. Лекин барча ноаниқликлар ҳал қилинди, дейишга ҳали эрта. Шу ўринда қуйидаги мулоҳазаларни ҳам баён этишни лозим топдик.

Гап шундаки, ярашув тартибида ишни тугатиш тўғрисидаги суднинг ажримида гумон қилинган шахс, айбланувчи ва судланувчи айбли ёхуд айбсиз эканлиги ҳал этилмаслиги ва бу тўғрисида бирор тўхтам бўлмаслиги лозим. Чунки жабрланувчи билан ярашаётган шахс судланган ёки реабилитация қилинган, деб ҳисобланмайди.

**Talab, taklif, mulohaza**

Жабрланувчига етказилган моддий зиён бартараф этилиши лозимлиги ярашувни суд тасдиқлаши учун зарурий шартлардан бири сифатида кўрсатилган. Олий суд пленумининг қарорида бу масалага бир мунча аниқлик киритилиб, жабрланувчи зарарни ундиришдан воз кечиши ҳам ярашувни суд тасдиқлаши учун етарли, деб тушунтириш берган. Амалиётда шахс етказган зарарни қисман қоплаган ҳолатлар ҳам учрайди.

Шу боис зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда ҳам суд ярашувни тасдиқлаши мумкин эканлиги қонунчиликда аниқ кўрсатилиши зарур. Зарарни тўлаш жазо ҳисобланмаслиги, мусулмон ҳуқуқидаги жазо сифатида қўлланиб, уч йил давомида тўланадиган товон ҳам эмаслиги ҳеч шубҳа туғдирмаслиги лозим.

Яна бир таклиф шундан иборатки, ярашув жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили билан айбига иқрор бўлган шахс ўртасида бўлиши шарт. Лекин жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ярашишга рози бўлса-ю, унинг қонуний вакили розилик бермаса, суд масалани қай тарзда ҳал этади, деган масала ҳам қонунда ўз ечимини топгани йўқ.

Хулоса ўрнида айтсак, ярашув тартибида тугатилиши мумкин бўлган жиноят турларини кенгайтириш қонунларимизни эркинлаштиришга хизмат қилади. Б эса ярашув институтини такомиллаштиришни ва уни амалиётга кўпроқ татбиқ этишни тақозо этади.

**Ғафур АБДУМАЖИДОВ,**
**профессор**

# ЁШЛАРИМИЗНИ, КЕЛАЖАГИМИЗНИ КИПРИГИМИЗДА АСРАЙМИЗ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Университетда диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Ҳозир ушбу илм даргоҳининг бакалаврлик босқичида 500 нафардан ошиқ талаба таҳсил олмоқда. Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб олтита мутахассислик бўйича магистратура фаолият кўрсатади.

Университет қошидаги академик лицейда эса 200 нафардан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Ёш авлодга малакали мутахассислар ҳамда университетнинг 42 нафар профессор-ўқитувчиси сабоқ беради.

Университет мутахассислари қисқа вақт ичида ўндан зиёд ўқув қўлланмалари яратишдики, бу — улар ўз зиммасига олган вазифани астойдил уддалаб келаётганини кўрсатади.

Бугун китоб жавонлардан ўрин олган "Қуръони Карим (маъноларининг таржимаси)", "Дунё динлари тарихи", "Ислом ҳуқуқшунослиги", "Ислом ва мазҳаблар", "Буюк алломаларимиз", "Марғиноний ва издошлари", "Ислом зиёси ўзбегим сиймосида", "Миллий маънавиятимиз асослари", "Қадимги Арабистон тарихи ва илк ислом" каби қатор мажмуалар Ислом университетининг ўз нашриёти томонидан чоп этилгани янада қувончлидир.

Илм масканида Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда, унда Қуръони Карим ва унинг тавсифлари тадқиқи, Ислом тарихи ва фалсафаси, Шариат (фиқҳ), Манбашунослик ва қўлёзмаларни ўрганиш каби қатор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Университетнинг аспирантурасида 22 нафар йигит-қиз "Диншунослик назарияси", "Ислом тарихи ва манбашунослиги", "Ислом ҳуқуқшунослиги" ихтисосликлари юзасидан таҳсил олмоқда ва илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Ушбу илм даргоҳида талабалар дунёда кечаётган жараёнлардан огоҳ бўлиши ҳамда Шарқ ва ғарб тилларини мукаммал ўзлаштириши учун барча қулайликлар яратиб берилган, интернет тармоғи, компьютер ва лингафон кабинетлари, замонавий кутубхона мунтазам ишлаб турибди, шунингдек, араб тили маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган вақт ичида 3102 нафар турли соҳа вакили университетнинг малака ошириш курсларида сабоқ олгани бу илм масканининг фаолият доираси кенгайиб бораётганини кўрсатади, албатта.

Президент Ислом Каримов Тошкент Ислом университетининг очилиш маросимида: — **Шу олий илм даргоҳида таҳсил кўрган, билим олган, тарбия топган ёшларимиз ичидан янги-янги бухорийлар, термизийлар, замахшарийлар, нақшбандлар етишиб чиқса, ўйлайманки, бу олий даргоҳ билан боғлиқ орзу-умидларимиз рўёбга чиққан бўлади,** — деб эзгу ният қилган эди.

Университет жамоаси, талаба-ёшларимиз мана шу юксак ишончни оқлаш, эзгу ниятни рўёбга чиқариш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Куни кеча учирма бўлган университетнинг дастлабки битирувчилари салоҳияти, талабалар ўз она тилларида ишлаб чиққан Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларнинг компьютер дастурлари, мазкур илм даргоҳининг "Зиё" студиясида яратилаётган маърифий кўрсатувлар мана шундан далолат беради.

Миллий истиқлол ғояси руҳида тарбия топган бу ёш авлод ўз ўтмишдошларидан — тўқсонинчи йиллар ёшларидан тамомила фарқ қилади. Улар Ватан манфаатини ҳар нарсадан устун қўядилар ва жаҳолатга қарши илм-маърифат воситасида баҳс этадилар.

Ўз халқининг табиатини ва унинг асрий интилишларини юракдан ҳис этган давлатимиз раҳбари Миллий истиқлол ғояси одамларнинг бир халқ, бир миллат бўлиб, бир эзгу мақсад атрофида жипслашишига, буюк яратувчилик салоҳиятини намоён этишига замин яратишини ўз вақтида қайта-қайта уқтирган эди.

**"Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли байроқ,** — деб уқтирган Президент Ислом Каримов. — **Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир".**

Бугун ҳар биримиз учун қимматли бўлган Миллий истиқлол мафкураси моҳият эътибори билан халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ўзида ифода этган, унинг ўтмиши ва келажагини чамбарчас боғлаб турган, асрий эзгу интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Халқимизнинг бой ва қадимий тарихи мафкурамизнинг маъно-мазмунини белгиловчи асослардан бири ҳисобланади. Биз ўз тарихимизни ўрганар эканмиз, ўтмишда бўлиб ўтган унутилмас воқеаларни бугунги кунимиз билан солиштириб кўрамиз ва ундан қимматли хулосалар чиқарамиз.

Ватан озодлиги йўлида курашган улуғ аждодларимиз жасорати ҳар бир кўнгилда она юртга муҳаббат ва жасорат туйғуларини шакллантириши табиий, албатта. Зеро, мамлакатнинг буюклиги унинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти, аҳолисининг оз ёки кўплиги билан эмас, балки халқнинг руҳи, миллатнинг эътиқоддаги собитлиги билан белгиланади.

Истиқлол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий ғоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берган Президент Ислом Каримов асарларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Шу билан бирга, жаҳон фалсафаси дурдоналари, мумтоз адабиёт ва санъат намуналари ҳам миллий мафкурамиз озиқланадиган бебаҳо манбалар ҳисобланади.

Ҳар бир юртдошимизнинг дилидаги орзу-ҳавасларни, эзгу интилишни ўзида ифода этган Миллий истиқлол мафкураси негизини юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун ёниб яшаш ғояси ташкил этади.

Бугунги кунда Миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Қўрғонтепа туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Фазилат Сафарова **"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари"** фанидан сабоқ усулларига доир махсус қўлланма яратгани, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчилари "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобининг электрон нусхасини яратгани, Андижон вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари "Миллий истиқлол ғояси: маъруза, семинар, баҳс ва мунозара учун савол-жавоблар" қўлланмасини нашрдан чиқаргани фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Ушбу мисоллар ёшларнинг, оддий инсонларнинг истиқлол ғоясига бўлган меҳр-муҳаббатини ўзида ёрқин ифода этади.

Бугун мактабларда, лицей ва коллежларда **"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар"** фани ўқитилаётгани, Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб этиш марказлари фаолият кўрсатаётгани қувончли самара бермоқда, ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида она Ватанга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

*"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи, унда илгари сурилган маслак ва муддао ҳар бир инсон кўнглига яқин ва қадрлидир,* — деб ёзади Миллий университетнинг фалсафа факультети талабаси Асрор Худойбердиев. — *Шунинг учун ҳам мазкур таълимот билан боғлиқ тамойил ва тушунчалар ёшларнинг қалбидан чуқур жой олмоқда. Чунки бу ғоя мамлакатимизнинг, аниқ айтганда, ҳар биримизнинг тақдиримизга бевосита дахлдордир.*

*Истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналари, қадриятлари ва удумларига, тили ва дилига, руҳиятига асосланган ҳолда келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф ва адолат, эзгуликни ёқлаш, ёвузликка қарши туриш каби олижаноб фазилатларни табиатимизда илдиз отишига замин яратмоқда".*

Давлатимиз, халқимиз вояга етиб келаётган ёш авлодни киприкда асраб, уларнинг ҳаёти сермазмун, келажаги янада ёруғ бўлиши учун барча эзгу ишларни амалга оширмоқда. Чунки ҳар қандай миллатнинг, мамлакатнинг келажагини унинг ёшлари, мана шу ёш авлоднинг орзу-ҳавaслари, ҳаракат ва интилишлари белгилайди.

Биз кимлигимизни, кимларнинг авлоди эканимизни, кечаги кунимизни, "Куч — билим ва тафаккурда" эканини унутмаган ҳолда ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар сари интилиб яшасак, келажагимиз буюк бўлиши муқаррар.

**"Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз, — дейди Президент Ислом Каримов. — Барча эзгу интилишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз ана шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунича туришини истаймиз".**

**Turmush chorrahasi**

# АЛДАНИШ

***Халқимиз мустақилликка эришгач, мамлакатимиз дунгёга юз бурди. Юртдошларимизнинг чет элларга бориб келиши ва ишлаши учун имконият пайдо бўлди. Ҳозирда кўпгина юртдошларимиз меҳнат биржалари билан тузилган шартнома асосида чет элларда ишлаб, ўз малакаларини ошириб келишмоқда.***

Албатта, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Бироқ бу ишга баъзи бир фирибгар кимсаларнинг аралашиши оқибатида содда ва ишонувчан одамларнинг сарсон бўлаётгани, пулига куйиб қолаётгани ҳам бор гап.

Яқинда бир таниш дўстимни учратиб қолдим. Суҳбатимиз айланиб, чет элга бориб ишлаб келаётганларга келиб тақалганда, негадир унинг авзойи бузилди.

— Тинчликми? — деб сўрадим ундан.

— Э, нимасини айтай, — дея ҳасрат қилди дўстим. — Яқинда укамни Жанубий Кореяга ишга юбориш учун таниш-билиш, қариндош-уруғдан қарз олган эдик. Анча маблағга куйиб қолдик...

— Қандай қилиб, куйиб қолдингиз? Ё биронта фирибгар алдаб кетдими?

— Тошкентдаги танишлар орқали бир йигит билан танишиб қолдик. У минг АҚШ доллари эвазига укамни Жанубий Кореяга олиб бориб, ишга жойлаштиришни ваъда қилди. Аввалига гап-сўзларидан у бамаъни одамга ўхшаб кўринганди. Агар хизмат ҳақини олдиндан тўласак, кетадиган кунидан бир ҳафта илгари бизга қўнғироқ қилиши ва укамни Тошкентга юборишни айтди. Ишга жойлаштириб қўйишга кафиллик берди.

Мен унинг гапларига ишондим. Июл ойининг охирги кунлари ўша йигит уйимизга қўнғироқ қилиб, кейинги ҳафтада Кореяга кетишини, шунинг учун укамнинг зудлик билан Тошкентга етиб келиши зарурлигини айтди. Шундан сўнг қарз олиб, самолёт пули, Сурхондарёдан Тошкентгача кетадиган сарфу харажат, ҳалиги минг АҚШ доллари — хуллас, катта маблағни укамнинг қўлига тутқазиб, Тошкентга жўнатдик.

Орадан ўн кун ўтгач укам қўнғироқ қилиб, Жанубий Кореяга учиб кетишини айтди. Ҳаммамизнинг қувончимиз бир олам эди. Укам у ёқда ишлаб пул юбориб турса, то қайтиб келгунча кичкина укамнинг уйлантириш, беш-олтита мол олиб қўйиш орзулар ҳам йўқ эмасди. Аммо барчаси саробга айланди. Орадан беш кун ўтиб, укам шалвираб уйга қайтиб келди.

— Ҳа, тинчликми? Учиб кетаман, дегандинг-ку?! Нега қайтиб келдинг? — дея биз уни сўровга тутдик.

Кейинчалик укамнинг айтишича, у бир фирибгарнинг тузоғига тушган экан. Ҳалиги таниш йигит укамни Жанубий Кореяга олиб борибди. Улар самолётда бирга учишган экан. Аэропортда у укамга "ҳозир келаман, сен шу ерда қимирламай ўтириб тур", дея қаёққадир кетибди. Бегона юртда укам кун бўйи ҳалиги йигитни кутибди. Бироқ ундан дарак бўлмабди. Шунда укам ўзининг алданганини сезибди. Эртаси куни миршаблар ноқонуний йўллар билан борган укамни яна изига қайтариб юборибди. Ана шунақа гаплар. Минг АҚШ доллари, бориб-келиш учун кетган сарфу харажатларга олинган қарзни энди қандай узамиз, билмайман. Хижолатдан кўчага ҳам чиқмай қўйдим. Бунинг устига ҳар куни уйимиздан қарзни сўраб келувчиларнинг оёғи узилмаяпти...

Бу воқеани таҳлил этсак, кўнглимизда бир талай саволлар туғилади: хўш, бу фирибгарликни рўй беришида ким айбдор? Ахир, мамлакатимизда чет элга ишга бориш мавжуд меҳнат биржалари орқали амалга оширилиши ҳаммага кундек равшан-ку?!

Ана шундай фирибгарлар тузоғига илиниб, куйиб қолган Нурбой исмли йигитнинг ҳам ҳасратидан чанг чиқади. Илгари у ширкат хўжалигида чўпонлик қилди. Сўнг молнинг сарфу харажатини йўқотиб, камомадга йўл қўйгани учун судланиб чиқди. Зарарни қоплангани боис қамалмай қолди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***



Муқаддас қадамжолар

**To`siq**

# БЕПИСАНДЛИК

## ёхуд суд қарори қачон ижро этилади?

***Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи йўналиши сифатида белгиланган. Шу боис фермерликка кенг йўл очилиб, барча зарур шарт-шароитлари яратиб берилмоқда. Бироқ бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Аниқроқ айтганда, фермерликка нотўғри муносабатда бўлиш, унинг йўлига сунъий тўсиқ қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бунга қуйидаги воқеа яққол мисолдир. Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, бундан икки йил бурун Ромитан туманидаги "Нурафшон" ширкат хўжалигида яшовчи Ҳожиқурбон Тоиров ўзи бошлиқ бригада аъзолари билан келишиб, "Шароф Тоир" фермер хўжалигини ташкил этишга қарор қилди ва 30 март куни бу ҳақда ширкат хўжалиги раисига ариза берди.***

2001 йилнинг 13 сентябр куни ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиш қарори билан унинг аризаси қаноатлантирилиб, 49,7 гектар ер майдони ажратилди. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги фермер хўжаликларни ташкил этиш ва ер майдони ажратиш комиссияси томонидан Ҳ.Тоировнинг аризаси ҳамда "Нурафшон" ширкат хўжалиги умумий йиғилиши қарори кўриб чиқилиб, Ҳ.Тоировга фермер хўжалиги ташкил қилиш, 49,7 гектар ер ажратиш ҳақида хулоса берилади. Шундан сўнг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Назаров, ширкат хўжалиги бошқарув раиси Ж.Худойбердиев, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи С.Умаров ва Х.Шодиевлар томонидан ер майдони харитаси тасдиқланиб, туман ҳокимининг қарори лойиҳаси тайёрланди. Бироқ орадан анча вақт ўтсада, қарор чиқарилмади.

Кутишдан тоқати тоқ бўлган Ҳ.Тоиров вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Албатта, адлия бошқармаси ўзига берилган ваколатлар доирасида 2002 йил 20 июн куни Ромитан туман ҳокимлигига йўл қўйилган ғайриқонуний ҳаракатларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди. Аммо туман ҳокимлигига тақдимномани ижро этишни пайсалга солди. Шундан сўнг адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Ф.Хўжаев туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимлигига "Шароф Тоир" фермер хўжалиги ташкил этиш мажбуриятини юклатишни сўради. Суднинг 2002 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан туман ҳокими А.Нозимовга "Шароф Тоир" фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги ариза 2002 йилнинг ҳосил йиғимидан сўнг кўриб чиқиш мажбурияти юклатилди. Бироқ вилоят адлия бошқармаси Ҳ.Тоиров билан ҳамкорликда судга ушбу ҳал қилув қароридан қисман норози бўлиб кассация шикояти киритди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация шикоятини қаноатлантириб, шу йилнинг 27 март куни чиқарилган ажрими билан туман ҳокими А.Нозимов зиммасига "Шароф-Тоир" фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер ажратиб бериш мажбуриятини юклади. Афсуски, суд қарори бажарилмади. Ҳ.Тоировнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатида ёзилишича, туман ҳокими унга ажратилган ерни Фазлиддин Тўхтаевга олиб берган ва у ерда "Асил-Нодирбек" фермер хўжалиги ташкил этган.

Лекин Бухоро вилояти прокурори шу йилнинг 28 феврал куни туман ҳокими номига 1368-сонли қарор билан расмийлаштирилган "Асил-Нодирбек" фермер хўжалигини рўйхатга олиш ва унга "Нурафшон" ширкат хўжалиги ҳудудидан ер ажратиб беришни бекор қилиш ҳақида протест киритган. Протестга асосан туман ҳокими 17 март кунидаги 417-сонли қарори билан "Асил-Нодир" фермер хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги 1368-қарорни бекор қилган. Бироқ 29 март куни "Асил-Нодирбек" фермер хўжалигини рўйхатга олиш ва унга ер ажратиб бериш тўғрисидаги 450-сонли қарорини чиқарган.

Энг қизиғи шундаки, суднинг "Шароф-Тоир" фермер хўжалигини рўйхатга олиш ва унга "Нурафшон" ширкат хўжалиги ҳудудидан ер ажратиб бериш тўғрисидаги ижро варақасини қасддан бажарилмаяпди. Ҳ.Қурбонов суднинг қарори бажарилмаётгани хусусида вилоят ҳокими, вилоят прокурори, Суд ижрочилари Департаментининг Бухоро вилоят бўлими бошлиғига бир неча марта мурожаат этган бўлса-да, бундан ҳеч қандай натижа чиқмаган. Ҳолбуки, бош қомусимиз бўлган мамлакатимиз Конституциясида суд қарорларининг барча ташкилотлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий экани белгилаб қўйилган.

Хулоса шуки, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда қонун барча учун баробардир. Шу боис Ромитан тумани ҳокимлиги томонидан суднинг ҳал қилув қарори ижро этилмаётганини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

**Комрон МИРЗО**

***Ҳаётда турли сабабларга кўра айрим инсонлар ўзи яшаб турган мамлакатни ташлаб кетишга ва бошқа ерларда яшашга мажбур бўлади. Бундай одамлар қочоқлар деб аталади.***

# ҚОЧОҚЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Қочоқлар деганда одатда таъқиб, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида доимий яшаб турган мамлакатини ташлаб чиққан шахслар назарда тутилади. Халқаро қонунчиликда қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоялаш долзарб муаммо саналади. Чунки инсон кимлиги ва қаерда яшашидан қатъи назар, бир қанча табиий ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Шу боис қочоқлар муаммоси кўплаб халқаро миқёсдаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу борада БМТ фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 1951 йилда ташкил этилган Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссариат Бошқармаси (ҚБКБ) БМТ доирасида қочоқлар муаммоси ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

Ушбу бошқарманинг асосий вазифаси қочоқларни халқаро миқёсда ҳимоялаш, уларнинг узоқ муддатларда ечиладиган муаммоларини ҳал этиш йўлларини қидириш ва уларга моддий жиҳатдан ёрдам беришдан иборат. Бу каби вазифалар қочоқларни дастлаб яшаган мамлакатларига ихтиёрий равишда қайтариш ёки илк бор бошпана сўралган мамлакатга жойлаштириш ёки учинчи бир мамлакатга кўчириш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, халқаро миқёсда "Қочоқлар мақоми тўғрисида" Конвенция ва Протокол қабул қилинган.

Мазкур Конвенция ва қочоқлар иши бўйича Бош Комиссариат бошқармаси (ҚБКБ)нинг Низомида қочоқларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя этишга доир кўплаб қоидалар белгилаб қўйилган. Хусусан, дини, фуқаролиги, муайян гуруҳларга кириши ёки сиёсий дунёқараши оқибатида таъқиб қилинган ёки бундай хавф мавжуд бўлган мамлакатдан ташқарида яшовчи ва мазкур мамлакат ҳукумати ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёхуд бундай ҳимоядан фойдаланишни истамайдиган шахслар "қочоқлар" деб эътироф этилган. Улар кўпинча фуқаролиги йўқ шахслар деб аталади, чунки уларнинг сиёсий мақоми фуқаролиги йўқ шахсларнинг сиёсий мақомидан асло фарқ қилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сиёсий қочоқлар тоифасига кириш масаласига сиёсий бошпана олишга даъвогарлик қилишга асос сифатида қараш мумкин. Аммо ушбу масалани ҳал этиш кўпроқ қочоқлар турган давлатнинг қонунчилиги ва сиёсатига боғлиқ.

Қочоқлар сиёсий ҳуқуқлар билан бир қаторда ижтимоий ва шахсий ҳуқуқларга ҳам эга. Шу сабабли БМТ тизимидаги кўплаб ташкилотлар маориф ва касбга тайёрлаш соҳасидаги дастурларни молиялаштириш ва ишлаб чиқишда қатнашади. Мазкур дастурлар бошланғич анъанавий таълим ва инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида касб камолотига эришуви, шунингдек, давлат ташкилотларини бошқариш, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги раҳбарликдан тортиб кенг жамоатчиликка ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, инсон ҳуқуқлари, оилани режалаштириш каби кўплаб муаммолар бўйича таълим бериш соҳаларини қамраб олади. Масалан, Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссариат Бошқармасининг фаластинлик қочоқларга ёрдам бериш ва ишларни ташкил этиш бўйича Яқин Шарқ агентлиги қочоқ болалар, ёшлар ва катталар учун кенг ўқув дастурларини амалга оширади. Бундан ташқари, қочоқлар ўзларининг ҳуқуқларини иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳимоялашлари лозим. Масалан, 1997 йилда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Бош Комиссариат Бошқармаси уруш ва таъқибга олишдан қочиб юрган 22 миллион нафар шахсини қочоқ деб эътироф этган.



Ҳозирги пайтда мазкур Бошқарма томонидан қочоқларнинг халқаро муҳофаза этилишини таъминлаш учун қочоқлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, айниқса, уларни қабул қилган мамлакатларда қочоқлар ҳуқуқларига оид халқаро меъёрларни қатъий равишда жорий этиш тадбирлари амалга оширилаяпди. Шунингдек, қочоқларни ўз ватанларига зўрлик билан қайтариб юборишнинг олдини олиш борасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунда Бошқарма аввало қочоқларнинг ихтиёрий тарзда қайтиб кетишларини ва уларнинг ҳаётий фаолиятларини ўз ватанларида қайта тиклашга, бунинг иложи бўлмаганда, уларнинг ҳаётий интеграцияларини қабул этилган мамлакатда тиклашга уриниб кўради. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса қочоқлар бошқа мамлакатга кўчирилади.

**Jahon tajribasi**

Таъкидлаш лозимки, қочоқларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган икки халқаро шартнома — қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенция ва Протоколнинг иккаласи ёки камида биттасини 1998 йилда 136 та мамлакат имзолади. Бу эса қочоқлар муаммосининг қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Қолаверса, бу ҳол дунё мамлакатларининг бирлашаётгани, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга интилаётганининг далолатидир.

Хулоса ўрнида айтсак, инсон шаъни ва ҳуқуқлари ҳамиша муқаддас. Шу боис, қочоқлар ҳам бундай ҳуқуқларга тўлиқ эгалик қилишга ҳақли. Қочоқларнинг халқаро миқёсда муҳофаза этилиши эса инсонпарварлик намунаси ҳисобланади.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**ҳуқуқшунос**

# ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ – ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

*Istiqlolдан* 

***Истиқлолдан сўнг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам том маънода кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада ҳам инсон омилининг биринчи ўринга қўйилгани эътиборлидир.***

Айниқса, "Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат жазо тизимида, балки инсонлар тақдирида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга ажратилди. Жиноят Кодексининг айрим моддаларида назарда тутилган жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги меъёрга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳам жиноят қонунини янада такомиллаштиришнинг ёрқин намунасидир.

Бу борада барча жойлардаги каби Сирғали тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Келинг, асосий мақсадга кўчиб, шундай суд жараёнларидан мисоллар келтирайлик.

Марат Жумадилов ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида Сирғали туманида яшовчи Шоира Алиматованинг уйига келади ва унинг ўғли Бекзод Алиматовни милицияга ишга жойлаштириб қўйишини ваъда қилиб, унинг онаси Шоира опадан 100 АҚШ долларини олиб, «жуфтакни ростлаб қолган».

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2003 йил 6 март куни тахминан соат $12^{00}$ ларда фуқаро Солиҳа Айтбоевани алдаб, унинг қизи Гелсезим орқали ишончига кириб, Сирғали туманида жойлашган "Саноат қурилиши банки"дан 1000 АҚШ долларини сотиб олиб беришни ваъда қилиб, С.Айтбаевадан 1.610.000 сўм пулларни олиб, жиноят содир этган жойдан яширинган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятчи Марат Жумадилов ушланиб, ундан фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган пуллар қайтариб олинган.

Шундан сўнг судланувчи Марат Жумадилов суд томонидан Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноят аломатларини содир этганликда айбдор деб топилиб, унга шу моддага асосан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шундан сўнг суд судланувчи Марат Жумадиловга жазо тури ва миқдорини тайинлашда янги - жиноий жазоларни либераллаштириш ҳақидаги қонунлардан келиб чиқиб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, оилавий шароитини эътиборга олиб, шу билан суд судланувчи Марат Жумадиловни озодликдан маҳрум қилмасдан туриб ҳам хулқини тарбиялаш мумкин, деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддаси талаблари асосида синов муддати белгилашни лозим топди.

Фарҳод Таллиев ҳам тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида 2003 йил 2 апрель куни Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган "Отчопар" бозорида номаълум шахсдан акциз маркаси бўлмаган, умумий баҳоси 165.000 сўмлик 460 қути "Pleasure", умумий баҳоси 52.800 сўмлик 220 қути "Astra" тамаки маҳсулотларини харид қилиб олади.

Шундан сўнг фойда кўриш мақсадида акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини 223.000 сўмга сотиб, 4600 сўм фойда кўрмоқчи бўлиб, ноқонуний тамаки маҳсулотларини муомалага киритаётган вақтда шу бозорда тадбир ўтказаётган Сирғали туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари томонидан қўлга олинган.

Жиноий ишлар бўйича Сирғали туман суди судланувчи Фарҳод Таллиевга қонунга асосан 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Бироқ айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам бирор марта ҳам жиноий жавобгарликка тортилмагани, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси пастлигини, унинг хулқини озодликдан маҳрум қилмасдан туриб қайта тарбиялаш мумкинлигини инобатга олиб, Жиноят Кодексининг 72-моддасини қўллаган ҳолда қамоқ жазосидан озод этиб, синов муддати белгилашни лозим топади.

Бир сўз билан айтганда, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши истиқлол яратган янги, салмоқли имкониятлардан биридир. Зеро, юқорида келтириб ўтилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, Жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга шу аснода киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ҳуқуқий-демократик ислоҳотлар тараққиёти йўлидаги дадил қадам ҳисобланади. Бу каби эзгулик йўлидаги янгиликлар адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган изчил ҳуқуқий ислоҳотларнинг яққол намунасидир. Бу эса юртимизда инсон шаъни, эркинлиги ва ҳуқуқлари энг олий қадрият экани, улар қонуний кафолатланганининг ёрқин ифодасидир, десак янглишмаймиз.

**Муқимжон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Шуҳрат МУСАЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Islohot samarasi



Taqdir tarixi

# Harry S. TRUMAN

## ЎЗ ДАВРИНИНГ ФАРЗАНДИ

***Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида устма-уст қийинчиликлар келиб чиқаётган бир пайтда давлат раҳбари бўлган Гарри Трумэн Жон Эндерсон ва Марта Элленларнинг ўғли бўлиб, у 1884 йилнинг 8 майида деҳқон оиласида туғилади. Ота-онаси бобосининг хотираси учун фарзандларига Гарри деб исм қўйишади. Ёшлигидан бошлаб Гарринин бир кўзи унча яхши кўрмас эди.***

У 6 ёшга тўлганида Трумэнлар оиласи Индепенденсга кўчиб кетишади ва шу ерда ўрта мактабда таҳсил олади. Гарри Трумэн ёшлигидан билим олиш ва чет тилларини ўрганишга қизиқувчан тиришқоқ бола бўлиб ўсади. Бир сўз билан айтганда, ёшлигидан у халққа фойдаси тегадиган инсон бўлишни орзу қиларди. Мактабни битиргач, 18 ёшли Трумэн АҚШ ҳарбий академияларидан бирига ўқиш учун ҳужжат топширмоқчи бўлади. Лекин бир кўзи яхши кўрмаслиги боис унинг ҳужжатларини академияга қабул қилишмайди. Шундан кейин у Канзас штатидаги бизнес мактабида ўқиб, укаси билан биргаликда банк йўналиши бўйича ишлай бошлайди.

Шунингдек, уддабурон иқтисодчи Гарри хусусий фирма ҳам ташкил қилиб, оилавий шароитини анча яхшилаб олади. Лекин биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Трумэнлар хонадони моддий ва руҳий инқирозга учрайди, яъни отаси Эндерсон вафот этиб, уларнинг тадбиркорлиги банкротликка юз тутади. Бунинг устига бу орада уруш ҳам бошланиб, Гарри ҳарбий хизматга кетади. Биринчи жаҳон урушида у генерал Лернинг бошчилигидаги Франция фронти жангларида қатнашиб, лейтенант унвонига сазовор бўлади.

Гарри Трумэннинг оилавий ҳаётига тўхталсак, ёшлигидаги яқин ўртоғи Элизабет Уоллес исмли қиз билан турмуш қуради ва уларнинг Маргарет исмли ягона қизчаси бўлади. Маргарет адабиётга қизиққанлиги сабабли кейинчалик АҚШнинг машҳур ёзувчиси бўлиб етишади. Унинг отаси Гарри Трумэннинг фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, бўлажак президент тадбиркорликдан омадсизликка учрагач, энди ўз омадини сиёсатда синаб кўришга қарор қилади ва шу мақсадда демократик партияга аъзо бўлиб киради. Трумэннинг сиёсий ҳаётда муваффақият қозонишида дўсти Том Пендерчестнинг хизматлари катта бўлди. Чунки айнан шу дўстининг кўмаги билан 2 йилга Жексон графлигининг судьяси этиб тайинланади. Шунингдек, Гарри маҳаллий партиянинг раҳбари Том билан ҳамкорликда ишлаб, улар округ бошқарувининг замонавий механизмини яратишади.

1934 йилда эса Трумэн АҚШ сенатига сайланади. Бу пайтда мамлакат миқёсида «Буюк депрессия» иқтисодий инқирози ҳукм сурарди. Конгрессда Гарри савдо алоқалари қўмитасида фаолият олиб борди. Сенатор сифатида у жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Темир йўл орқали савдо алоқаларини тартибга солиш мақсадида «Транспортация қонуни»нинг қабул қилинишига эришади. Шуниси эътиборлики, АҚШ Конгрессининг мудофаа қўмитасини ташкил этилиши ҳам айнан Гарри Трумэн номи билан боғлиқ. Чунки иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Трумэннинг таклифи билан мудофаа қўмитаси таъсис этилган бўлиб, уни ҳозиргача «Трумэн қўмитаси», деб аташади. Трумэн 50 ёшида Миссури штати сенаторлигига сайлангач, пойтахт Вашингтонга келади. Бу ерда ҳам у «Янги йўналиш» тарафдори сифатида қонунчиликни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшиб, президент Рузвельтнинг эътиборига тушади. Франклин Рузвельт тўртинчи муддатга президент этиб сайлангач, (1944 йил) кўпчилик унинг узоқ ишлай олмаслигини билишарди. Шу сабабли ҳар икки партия раҳбарлари ўз номзодини вице-президентликка қўйиш учун қаттиқ кураш олиб боришди. Чунки қонун бўйича ваколат муддати тугамасдан истеъфога чиққан (вафот этса ёки ҳокимиятдан четлаштирилса) президентнинг ўрнига кейинги сайловга қадар вице-президент келади. Шу сабабли вице-президентликка номзод этиб олий суд судьяси Уильям Дуглес ва сиёсатчи Жеймс кўрсатилади. Бироқ президент Ф.Рузвельтга уларнинг номзодлари маъқул келмайди. Бу даврга келиб Г.Трумэн ўзининг амалга оширган демократик ислоҳотлари ҳамда мамлакатдаги таниқли қонуншунос сифатида президентнинг назарига тушган эди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, у Рузвельт сиёсатининг давомчиси сифатида вице-президентликка сайланади.

Аммо Г.Трумэн бу лавозимда жами бўлиб 83 кун ишлайди, холос. 1945 йилнинг 12 апрел тонгида Трумэнни зудлик билан Оқ уйга чақиришади. Трумэн у ерга борса, Ф.Рузвельтнинг хотини Элинор хоним йиғлаб ўтирган экан. Шунда Гарри гап нимадалигини дарров тушунади ва собиқ президент хотинига қарата, «Мендан бирор ёрдам керак эмасми?» деб сўрайди. Унга жавобан шу пайтгача Оқ уйга бекалик қилган Элинор хоним ҳам, «Биздан сизга бирор ёрдам керакми?» дея Трумэннинг саволига савол билан жавоб қайтаради. Бу, сиз энди марҳум президент Рузвельтнинг ўрнини эгаллайсиз, деган фикрга ишора эди. Ўша заҳоти, яъни 1945 йил 12 апрел эрталаб соат 7-30 да Гарри Трумэн президентлик қасамёдини қабул қилади.

Унинг президентлик фаолияти икки муҳим сиёсий воқеа, яъни иккинчи жаҳон урушининг якунланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши билан боғлиқ. Гап шундаки, 1945 йилнинг 17 июлидан 2 августигача Потстдамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати бошлиқларининг учинчи конференцияси бўлиб ўтади. Потстдам конференцияси урушдан кейин дунёнинг тузилиши ва халқаро миқёсда тинчликни ўрнатишга бағишланган эди. Конференция қарори билан фашист ҳарбий жиноятчиларини суд қилиш учун Халқаро ҳарбий трибунал тузилади. Нюнбергда бўлган судда гитлерчиларнинг инсониятга қарши содир қилган оғир жиноятлари фош қилиниб, улар муносиб жазога ҳукм этилади.

Шундан кейин 1945 йил 6-9 август кунлари Америка ҳаво кучлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлади. Бу билан айнан Г.Трумэн президентлиги даврида ўта мудҳиш ҳодисага йўл қўйилди, яъни тарихда биринчи бор инсониятга қарши мислсиз оммавий қирғин қуроли ишлатилди. АҚШ ҳукумати буни америкаликлар оғир йўқотишларни олдини олиш, «япон оролларига тушиш ва ундан кейин бўладиган жангларда бой бериладиган қурбонлар сонини камайтириш мақсадида шундай қилинди", деб ўзларини оқламоқчи бўлишди. Ваҳоланки, жуда катта моддий йўқотиш ва миллионлаб тинч аҳолининг қирилиб кетишига сабаб бўлган бу атом бомбасининг ташланишини ҳеч қандай ҳарбий зарурият тақозо этмас эди. Шундан сўнг, 1945 йилнинг 2 сентябрида Токио қўлтиғида Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжат имзоланади ва 1948 йилги сайловда Гарри Трумэн иккинчи муддатга президентликка сайланади. Унинг президентлигининг иккинчи муддатдаги фаолияти ҳам бир қанча муҳим сиёсий воқеалар билан боғлиқ кечади. Хусусан, 1949 йилнинг баҳорида АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Франция давлатлари ўртасида «Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти» (НАТОни) тузиш ҳақида ҳужжат имзоланади. Мазкур шартномага мувофиқ, бирор давлатнинг ушбу ташкилотга аъзо давлатлардан бирига ҳужум қилиши, унинг барча аъзоларга ҳужум қилиш сифатида қаралиши ва унга нисбатан тегишли чора кўрилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Президент Трумэн даврида мамлакат ички ҳаёти ҳам анча яхшиланади. У ўзининг «Адолатли йўл» номли дастури орқали жамият ҳаётида бир қатор ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширди.

Бундан ташқари, Трумэн президент сифатида қора танли фуқароларни бошқалар сингари билим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш ҳуқуқини янада мустаҳкамлашни кафолатлади. Ташқи сиёсатда Трумэн Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида юз берган урушни бартараф этилишига катта ҳисса қўшади. 1952 йилнинг 29 мартида Гарри Трумэн навбатдаги президентлик сайловига номзодини қўймаслигини расман эълон қилади ва 1953 йил 20 январда Оқ уйни тарк этди.

Шундан кейин собиқ президент Трумэн умрининг охиригача демократик партияда фаолият олиб борди. Шунингдек, Гарри икки томли «Йиллар хулосаси» номли китобини ҳам нашр эттиради. 1972 йилнинг охирида Г.Трумэн ўпка касаллигига чалинганлиги аниқланади ва 16 кун беҳуш ётгач, ўша йилнинг 26 декабрда вафот этади.

Оқ уйда президент Гарри Трумэннинг хотирасига бағишланиб «Трумэн кутубхонаси» ташкил қилинган.

**Ҳусан ТУРСУНОВ**

Eslatma

# ИСМ ҚЎЙИШ МАСЪУЛИЯТИ

Маълумки, Оила Кодексининг 205-моддаси ва "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 14-15 бандларига кўра, боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бу болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Масалан, боланинг отаси Навоий шаҳрида, онаси Андижон шаҳрида (паспорт бўйича) доимий яшаб турган бўлса-ю, бола Тошкент шаҳрида туғилса, боланинг туғилгани ҳолати учала ҳududдан биридаги ФҲДЁ идорасида қайд этилиши мумкин.

Шу ўринда яна бир нозик жиҳатга тўхталиб ўтиш лозим. Гап шундаки, бу ҳолат баъзи бир оворагарчиликларни келтириб чиқармоқда. Қонунчиликка кўра, бола туғилганлиги тўғрисидаги ариза (у ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин) ота-онаси ёки улардан бири айрим ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тиббиёт муассаса маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик идоралари томонидан берилиши мумкин экани белгиланган. Ушбу тартибга кўра туғилишни қайд қилишни сўраб келган юқоридаги ҳолатларда уларни рад қилиш мумкин эмас. Афсуски, ҳамма машмаша шундан бошланади. Чунки "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари" 18-банди талабига кўра, туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-оналарнинг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома, мабодо, никоҳ мавжуд бўлмаса, оталикни белгилаш ҳақида ариза тақдим этилиши зарур. Ушбу қоидаларнинг 21-22-бандлари талабига биноан боланинг туғилганлигини қайд этишда унга фамилия ота-онасининг келишувига кўра ота ёки онанинг фамилияси, боболаридан бирининг ёхуд отанинг исми бўйича берилади, болага исм ҳам ота-онанинг розилигига кўра берилиши лозим. Агар ота-она ўртасида бу масалада келишув бўлмаган тақдирда, масала васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан ҳал қилинади.

Хўш, ҳаётда бу жараён қандай кечмоқда? Асосан бола туғилишини қайд этишни сўраб ота-она ёки улардан бири мурожаат қилмоқда. Аммо аксарият ҳолларда бобо, буви ва қариндошларнинг мурожаат қилиши ҳам учрамоқдаки, улар боланинг фамилияси ва исмини ўзларининг истагича танлашга уринишмоқда. Баъзан эса бола туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотномасидан бўлак ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилинмаган ҳолатлар ҳам учрайди.

Табиийки, бу ҳол ФҲДЁ ходимларини ноқулай вазиятга солиб қўяди. Чунки чақалоқнинг отаси қаерлардадир иш ёки бошқа сабаб билан банд, она туғруқхонада, мурожаат қилган киши кекса ёки "инжиқ" ёки "нозик табиат" одам бўлиши мумкин. Бунинг устига у сизнинг қонуний тушунтиришингизни тўғри тушунмаслиги мумкин. Натижада чақалоққа ота-онасига маъқул бўлмаган фамилия ёки исм танланиб, туғилиш гувоҳномаси ёзилади.

Албатта, ҳар бир кишининг исми гўзал ва жарангдор бўлиши лозим. Исм замирида ўша оила аъзоларининг яхши нияти, боланинг ўсиб-улғайишида ноқулайлик туғдирмайдиган, хижолатга қолдирмайдиган гўзаллик яширинган бўлиши керак.

Амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, ота-онанинг ўз вақтида ФҲДЁ идорасига мурожаат қилмаслиги ёхуд туғилишни рўйхатга олишни сўраб мурожаат қилган кишиларнинг одоб-ахлоқ доирасига риоя қилмаслиги натижасида чақалоққа ота-онага маъқул бўлмаган фамилия ёки исм қўйилиши мумкин.

Бундай хатони келгусида тузатиш учун бир қатор кўнгилсизликлар келиб чиқишини айтмаса ҳам бўлади.

Айтмоқчимизки, инсон дунёга бир марта келади. Бу қувончли жараёнга эришмаганлар қанчадан-қанча... Шундай экан, фарзанд кутаётган ҳар бир ота-она илгаридан унинг исм-шарифини танлаб, расмийлаштириш жараёнига ўзлари иштирок этолмаган тақдирда, ўзларига яқин кишиларга ёзма равишда ўз хоҳишларини билдириб, керакли ҳужжатларни уларга бериб қўйишса, ўзлари ҳам, яқинлари ҳам, ФҲДЁ идораси ходимлари ҳам овора бўлмасди. Зеро, инсон бу фоний дунёга бир бора келар экан, унга берилган гўзал исми умр бўйи ҳамроҳи бўлсин!

**Тоштемир ҚОРЁҒДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Сокинлик*

**Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ**

# АЛДАНИШ

Turmush chorrahasi

***(Давоми. Боши учинчи бетда.)***

У Россия шаҳарларига ишга олиб борувчи бир аёл билан танишиб қолгач, унинг қўлига анчагина хизмат ҳақини тутқазиб, йўлга чиқибди. Ўша аёл унга ўхшаган яна ўн беш нафар йигитни бир жойга тўплаб, "Тошкент-Москва" томон йўналишдаги поездда сафарга йўл олишибди.

— Вокзалда бизни яхшигина кийинган 2 нафар ҳамюртимиз кутиб олди, — дейди Нурбой. — Бошловчи аёл бизни ана шу икки йигитга топшириб, "энди хўжайинларинг ана шулар. Улар сизларни ишга жойлаб қўйишади. Тегишли ҳаққини бериб турасизлар", деди ва паспортларимизни уларга бериб, хайрлашди. Йигитлар бизни шаҳар чеккасидаги бир ертўлага олиб бориб жойлаштирди. Бунинг эвазига ҳар биримиз 30 АҚШ долларидан ҳақ тўладик. Улар «бугун шу ерда дам оласизлар, эртага келиб сизларни ишга олиб борамиз», дея кетиб қолишди. Эртаси кун кўзимиз тўрт бўлиб уларни кутдик. Лекин улардан дарак бўлмади. Охири, алданганлигимизни билдик. Чўнтагимизда сариқ чақа ҳам қолмаган, қаерга боришни, кимдан ёрдам сўрашни билмаймиз денг. Хуллас, икки-уч киши бўлиб, иш ахтаришга тушдик. Мен шеригим билан бир дала ҳовлида олти ой мардикорлик қилдик. Иш ҳақимиз бир бурда нон, қайнатилган сув... Шунга ҳам шукур қилиб, кун бўйи ишлардик. Бегона юрт, бегона удумлар. Бировни танимаймиз, устига-устак шаҳарга олиб борадиган йўлни билмаймиз. Ит азобини бошдан кечирдик. Олти ой деганда йўл ҳақига етадиган пул тўпладиг-у бир амаллаб уйга қайтдик. Қулоғимгача қарзга ботиб кетдим... Уйдан чиқолмай қолдим. Охири қариндошлар озроқ пул йиғиб беришди. Ҳозир шунга бозордан қорамол олиб боқиб, сўнг сотаман. Шунинг ҳисобига тирикчилик ўтиб турибди.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтда ана шундай ишлар билан шуғулланувчи "ҳожатбарор"лар учраб туради. Улар иш ахтариб юрган ҳамюртларимизни бир жойга тўплаб чет элларда ишга жойлаштириш эвазига мўмайгина даромад орттириб олишаяпти. Омади чопганлар иш топиб, пул топаётган бўлса-да, уларнинг аксарияти маҳаллий ички ишлар хизмати ходимларидан яшириниб, чекка қишлоқларда арзон-гаровга ишлаб, айримлари иш тополмай сарсон бўлаётганликлари ҳам айни ҳақиқат. Бундай тоифадаги кишилар ўз қўлларини ўзлари боғлаб, фирибгарларга тутқазиб қўяётганликларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Чунки чет элга ишга бориш жойлардаги меҳнат биржалари орқали амалга ошириш лозимлиги матбуот ва телевидение орқали қайта-қайта таъкидланса-да, ишонувчанлик устун келишини қандай тушуниш лозим?

Назаримизда, матбуот нашрлари, телевидение кўрсатувларида бундай ноқонуний йўллар билан ишга бориш ниятида фирибгарлар тузоғига илиниб қолаётганлар тўғрисида кўпроқ мақолалар, телекўрсатувлар тайёрлаш керак. Бу борадаги ташвиқот ишларини маҳаллада ҳам кенг тарғиб қилиш ҳам фойдадан холи эмас. Чет элга ишга отланган маҳалла фуқароларини суриштириб, уларнинг қай йўсинда бораётгани билан яқиндан танишиб, суҳбатлар ўтказиш ҳам ижобий натижа бериши шубҳасиз. Чунки маҳаллада ҳамма бир-бирини яхши билади. Ана шундагина одамлар фирибгарлик тузоғига тушиб қолмайди. Аксинча, қонун асосида ҳалол меҳнат қилиб, даромад топишлари мумкин. Шу маънода мавжуд қонунларни яхши билиш ва уларга қатъий амал қилиш муаммони ечишнинг энг оқилона ечимидир. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришимизни тақозо этади.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ЧЎТАЛИ КИМНИКИ?

Qing`rlik

***Айни туш маҳали бошланган қуюқ зиёфат то шомга қадар чўзилиб кетди. Раис билан котиб роса яйраб ўтиришди. Устма-уст ичилган ароқ икковининг ҳам қулф-дилини очиб юборди. Улар бир-бирини топқирлиги, "зукко"лиги, пул топиш борасида устаси фаранг бўлиб кетишганини мақташарди. Икки ҳамтовоқ ўзларининг "тадбиркор"лик фаолиятини кенгайтирди. Бу йўлда уларга ҳеч ким ғов бўла олмаслигини кўкрак кериб мақташарди.***

— Эй, оғайни, қўрқма, мен борман. Ахир, осмонда худо, ерда раис деб бежиз айтишмаган-ку?!. Менинг рухсатимсиз маҳаллага четдан бир киши ҳам қадам боса олмайди. Бирор ҳужжатни ҳам кўра олмайди. Шунинг учун "бос, ука", буёғига мен танман, — деди оқсоқол кайфнинг зўри билан кўкрагига ураркан.

Котиб ҳам дадил жавоб берди:

— Сиз бор экансиз, мен буёғини дўндираман...

Қуюқ зиёфат ана шу тахлит давом этаётган эди. Бироқ нима бўлди-ю, кутилмаганда, икки ўртада жанжал чиқди.

— Эй, номард, ахир, бугун қарийб ўттиз мингдан ортиқ чўтал олишимиз керак эди-ку?! Нега «чўғи» оз. Шу ерда ҳам ҳаққимга кўз олайтираяпсанми? Ахир, мен раисман. Чўталнинг каттаси менга тегиши керак, — деб дағдаға қилишга тушди оқсоқол.

Котиб ҳам бўш келмай, унга терс жавоб қилди:

— Ҳаммаси шу. Ўтиришнинг ҳақини катта холам тўламайди-ку! Бунга ҳам чиқардим, сўнгра қолганини тенг бўлдим, хўжайин! Кейинги сафар қилган чўталимизни тенг бўлгач, зиёфат ташкил қиламиз. Бўлмаса, ғавғо чиқади...

Бироқ раис билан котибнинг бу хуфиёна нияти амалга ошмади. Галдаги чўтал бўлиш ҳам, галдаги зиёфатга ҳам кутилмаганда батамом чек қўйилди. Гап шундаки, Президентимизнинг **"Кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони талаблари, шунингдек, ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга тўлганга қадар уни парваришлаш учун тўланадиган нафақа пулларини тўлаш қишлоқ фуқаролар йиғини — маҳаллаларда қай даражада олиб борилаётгани ўрганиш мақсадида Иштихон тумани молия бўлимининг мутасадди ходимлари текшириш ўтказишди. Текшириш натижаси шу нарсани кўрсатдики, тумандаги айрим маҳаллаларда давлат томонидан бериладиган нафақа пулларига маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг котиблари "шериклик" қилаётгани аниқланди. Келинг, қуруқ гапдан кўра, аниқ мисолларга ўтайлик. 27 та маҳалла фуқаролар йиғинларида вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга нафақалар қандай тайинлангани текшириб чиқилди. Йигирма еттита маҳалладаги 6539 нафар нафақа олувчининг ҳужжати текширилиб, 4 та маҳаллада қарийб 55 минг сўм ошиқча тўловлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, икки ёшгача болага қараб туриш нафақасида ишламайдиган 1548 та оилаларнинг харажатлари ўрганилиб чиқилганда, 79 минг 600 сўмлик ошиқча тўлов амалга оширилган экан.

Мисол сифатида айтадиган бўлсак, "Ўртақишлоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Тойлоқ" маҳалласининг раиси Ш.Ҳақназаров, котиби Д.Файзуллаев фуқаролар Х.Исохонова, ҳамда А.Пирметовага олти ой муддатда ҳар ой қарийб 10 минг сўмдан ошиқча пул тўлаб, нафақа тўлаш муддати ўтиб кетса ҳам, уларга нафақа пули ёзиб, «шериклик» қилиб келган. "Минглар" маҳалласи раиси А.Алиқулов ва котиби С.Мўминова нафақа тайинлашда 18 ёшга тўлмаган фарзандларини ўқиётганлиги ҳақида ҳужжатларни кечикиб топширишига қарамай, нафақат олдиндан тайинланиб, йил давомида ҳар ой ўн минг сўмдан пул олиб келишган.

"Иштихон" маҳалласи раиси З.Ғуломова ва котиби А.Отахонов маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Усмоновга бир йил давомида (ойига 23 минг сўм) пул тўлаб, бу оила билан тенг "шерикчилик" қилишган.

"Қўнғирот" маҳалласи раиси Э.Қувондиқов, котиба Қ.Маматова маҳаллада истиқомат қилувчи У.Болиевга 6 минг 300 сўм, И.Ҳамроевга 3 минг 200, Г.Жўраевага 3 минг 200 сўм нафақа пуллари тўлаб келишган. Ҳолбуки, юқорида номлари қайд этилган фуқароларнинг фарзандлари аллақачон 18 ёшдан ошиб кетган.

Хўш, бундай кўр-кўрона талон-тарожликнинг сабаби нима билан изоҳланади?

Наҳотки, айрим маҳалла фуқаро йиғини оқсоқоллари нафснинг измига кириб, ўзларига билдирилган ишончу эътиборни шунчалик оёқости қилишса...

Бундан ташқари, "Қирқ йигит" маҳалласи раиси Р.Рустамов ва котиби Сатторовлар ҳам ана шундай нопок ишга қўл уришган.

Албатта, бундай нопок ишга қўл урган кимсалардан зарар ундириб олинди. Лекин бу воқеанинг ўйга толдирадиган, мушоҳада қилишга ундайдиган томонлари жуда кўп.

Маълумки, истиқлол йилларида ҳаётимизда маҳалланинг ўрни, мавқеини ошириш, унинг ваколатларини ошириш борасида тенгсиз ишлар амалга оширилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Бу эзгу ишлар замирида халқнинг оғирини енгил қилиш, унинг қувончу ташвишларига шериклик бўлиш сингари олижаноб ғоялар мужассам. Баён этилган воқеа эса буларнинг мутлақо тескариси. Бу эса мутасаддиларнинг янада ҳушёр бўлишини тақозо этади. Ана шунда ноқонуний «чўтал»ларга ўрин қолмайди.

**Юсуф САЙДУЛЛАЕВ**
**Иштихон тумани**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-719. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50